



## БУГУНГИ СОНДА:

2-бет.

Соғлом авлод учун  
БОЛАЛАРНИ ЭҲТИЁТ  
ҚИЛИНГ!

4-бет.

Долзарб мавзуда  
ШАЙТОН ВАСВАСАСИ

5-бет.

Қисса  
ТУНГИ ШАРПАЛАР  
\*\*\*

ОМАДСИЗ ЖЕНТЕЛЬМЕНЛАР

6-бет.

Ҳайит арафасида  
БАЙРАМИНГИЗ  
МУБОРАК  
БЎЛСИН, АЗИЗЛАР!

8-бет.

Наврўз яқин  
БАҲОР СОҒИНЧИ

## МАКТАБДА УЧРАШУВ

Шу кунларда жиноятчиликнинг олдини олиш хизматининг жойлардаги вояга етмаганлар билан ишловчи нозирлари ва участка вакиллари қарийб икки юз нафари Тошкент Олий милиция мактабида билим малакаларини янада мустақамлаш учун тажрибали ўқитувчилардан сабоқ олишмоқда.

Яқинда мактабнинг малака ошириш куллиятида ушбу хизмат ходимларининг Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жиноятчиликнинг олдини олиш хизмати бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Б. Парпиев билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда бошқарма бошлиғи жойларда милициянинг обрўсини ошириш кўп жиҳатдан ушбу тизим ходимларининг ҳалол меҳнати, ўз вазифасига сидқидилдан ендашишлари, аҳоли билан яқин алоқа ўрнатишларига боғлиқлигини таъкидлади. Шунингдек, у мазкур соҳа ходимларининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, содир этилган жиноятларни очилишига қўшаётган ҳиссалари тўғрисида аниқ рақамлар асосида фикр юритди.

— Ишни янада яхшилаш учун, — деди нотик, — участка вакиллари, ВЕИН нозирларини уй-жой, томорқа, телефон ва хизмат хоналари билан таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Шундагина бу ходимларнинг асосий вақтлари ўзларига бirkитилган ҳудудларда ўтади, хизмат кўрсатиш савияси яхшиланади.

**О. МАҲМАЮСУПОВ.**

## ТАДБИР САМАРАСИ

ТОШКЕНТ вилояти ҳудудида ўқотар қуроллар билан боғлиқ бўлган жиноятларнинг олдини олишга алоҳида эътибор берилмоқда. Айниқса, биз туманимиз ИИБ ходимларини бу ишга қатъий сафарбар этганмиз. Чунки, қуролнинг бу тури билан оғир жиноятлар содир этилиши ҳеч кимга сир эмас. Содир этилган жиноятларни эса минг бора овозагарчилигу қийинчиликлар эвазига очғунча унинг олдини олган маъқул. Шу сабаб ҳам ноқонуний сақланаётган ўқотар қуролларни аниқлаш ва олиб қўйишни биринчи галдаги вазифа деб билмоқдамиз.

Жорий йилнинг 15—25 февраль кунлари туманимиз ҳудудида ўтказилган "Арсенал" деб номланган тадбир бу борада яхши самара кўрсатди. Ходимларимизни уч гуруҳга бўлиб аниқ топшириқлар бердик. Улар ўқотар қуролларнинг ноқонуний сақланиши ва оқибатда жиноятлар содир этилиши мумкин бўлган жойларни текшириб чиқдилар. Натижада шундай қуроллардан 23 донаси фуқаролардан олиб қўйилди. Шунингдек, ИИБда рўйхатдан ўтказилмасдан сақланаётган 13 та қурол аниқланди. Рухсатномалари бўлса-да, бироқ уни сақлаш қонунқондаларини бузган ўн нафар фуқарога нисбатан тегишли маъмурий қоралар кўрилди.

Уйлаймизки, ўн кун давомида ўтказилган бу тадбир жиноятчиликка қарши олиб борилаётган курашда ўзининг ижобий самарасини беради.

**А.МУҲАМАТҚУЛОВ,**  
Оққўргон тумани ИИБ  
бошлиғи ўринбосари,  
милиция майори.



**ФАРҒОНА** вилояти, Риштон тумани ички ишлар бўлимининг вояга етмаганлар билан ишлаш назорияти ходимлари ЗИ-хунар-техника билим юрти ўқитувчи ва ўқувчилари билан мунтазам турли мавзуда суҳбатлар уюштириб турадилар. Айниқса, **ВЕИН** нозири, милиция катта лейтенанти **Исоқжон Зарипов** ва билим юртининг тарбиявий ишлар бўйича директор **Жўраҳон**

**Нуриддиновларнинг** бу борада хизматлари катта. Ушбу билим юрти ўқувчиларидан кўнгилли дружиначиларнинг ташкил қилинганлиги ҳам бунинг яққол исботидир.

Суратда: милиция катта лейтенанти **И. Зарипов** (ўнгда) ва **Ж. Нуриддиновлар** дружина аъзолари билан суҳбатлашмоқдалар.

**Ҳусанбой МЕЛИБОЕВ** олган сурат.

## ҚИЛМИШ — ҚИДИРМИШ

### ТАФТИШЧИ — ЖИНОЯТЧИ

• Бухоро шаҳар Намозгоҳ кўчасида яшовчи **Р. Темиров** қурилишга ишлатаман деб яхши ният билан ҳар бирининг узунлиги 2 метрли 4 дона бетон плита сотиб олиб, дарвозаси олдига келтириб қўйган эди. 1994 йил, 21 февраль кuni куппа-кундузи бетон плиталар номаълум шахс томонидан ўғирлаб кетилди. Милиция ходимлари тезда жиноятчини аниқлаб, қўлга олдилар. Ачинарли томони шундаки, ўғри солиқ инспекцияси тафтишчиси **Х. К.** экан. Ўғри-тафтишчи устидан жиноий иш кўзгатилди.

### ТОҒАНИ АЛДАГАН ЖИЯН

• Собир 33 ешга кирган бўлишига қарамасдан ҳеч қаерда ишламайди. Бекорчилиқни ўзига касб қилиб олган.

Яқинда у тоғаси **Ж. Мустафоевни** алдаб, унинг 200 минг сўм пулини олиб кетди. **Фирибгар** жиян устидан тергов олиб борилмоқда.

### ЖАНЖАЛКАШ ЧОЛЛАР

• Биз кекса отахонларимизнинг доимо давралар тўрида савлат тўкиб ўтиришларига, ешларга панду насиҳатлари, имонли, меҳр-оқибатли, дўстликка даъват этишларига ўрганиб қолганмиз. Яқинда, Бухоро шаҳрида яшовчи 77 ёшли **У. З.** ва 67 ёшли **Х. Н.** лар қарияларга номуносиб иш қилиб, ўзаро жанжаллашишлари натижасида 67 ёшли қария **Х. Н.** оғир тан жароҳати олди. Қарияларнинг жанжали сабабларига тергов давомида аниқлик киритилди.

### ЖИНОЯТГА БОШЛОВЧИ

• Маълумки, кўпгина жиноятлар гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш натижасида содир этилмоқда. Кишилар бундай моддаларни уйда сақлаш жиноят эканлигини билсаларда, кўпинча бу қондага амал қилмаяптилар.

Ички ишлар ходимлари Бухоро шаҳри фуқаролари **Олим Ю.** ва **Давлат Х.** ларнинг

уйларида ноқонуний сақлаб келинаётган гиёҳванд моддалар борлигини аниқладилар. Ҳар икки фуқаро устидан жиноий иш кўзгатилди.

### ЖАНГОВАР ЎҚ ТОПИЛДИ

• Бухоро шаҳрида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган 31 ёшли **Шухрат Б.** нинг уйи текширилганда 10 дона "Макаров" тўппончасининг жанговар ўқи топилди. Терговни прокуратура олиб бормоқда.

### ТОВЛАМАЧИ ҚЎЛГА ОЛИНДИ

• Қоракўл туманида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган, жиноят содир этгани учун муқаддам судланган **Маҳмуд М.** 3 февраль кuni шу тумандаги дўкон мудир **С. Рўзиевни** қўрқитиб, унинг 10 минг сўм пулини олган. Жиноятчи ички ишлар ходимлари томонидан ушланиб, ҳибсга олинди.

### ҚОТИЛ УШЛАНДИ

• Қоровулбозор туманидаги "Бухорогазпромстрой"га қарашли 5-қурилиш бошқармаси биноси олдида

номаълум шахс шу тумандаги уй-жой коммунал хўжалигида ишловчи **В. Крутаковнинг** кўкрагига пичоқ уриб, воқеа содир этилган жойдан ғойиб бўлган. **В. Крутаков** оғир тан жароҳати олиши натижасида касалхонага етмасданок йўлда вафот этди.

Милиция ходимларининг вақтни ўтказмай тезкорлик билан олиб борган кидирувлари натижасида қотил аниқланиб, қўлга олинди. У муқаддам судланган **Исмоил А.** экан. Терговни прокуратура олиб бормоқда.

### МИЛЛИОНЕР БЎЛИШНИ ОРЗУ ҚИЛГАН ЎҚУВЧИ

• Когон туманидаги "Нилуфар" тижорат дўконидан 1 миллион сўмлик мол ўғирлаб кетилди. Ушбу ўғирликни фoш қилиш учун милиция ходимларининг анчагина тер тўкишларига тўғри келди. Миллионер бўлишни орзу қилган ўғри — **Ҳасан Ж.** экан.

**Шухрат Қўлдошев,**  
милиция майори,  
Бухоро.

Соғлом авлод учун

БОЛАЛАРНИ ЭҲТИЁТ ҚИЛИНГ!

МАЪЛУМКИ, ўқувчилар дарсдан бўш пайтларида турли ўйинлар ташкил этиб, вақтларини ўзларича мазмунли ўтказишга ҳаракат қиладилар. "Боланинг кўнгли далада", деганларидек овқатланаётган пайтида ҳам боланинг фикру зикри кўчада, тенгдошлари билан қувлашмачок ўйнаш ва бошқа шу кабида бўлади. Ака-укалари билан ҳазиллашади, турли қилиқлар қилади, тезроқ тенгдошлари қаторига қўшилгиси келади. Кўпинча ота-оналар бу ҳолга бепарво қарашади. Бундай бепарволик охир-оқибатда йўлларда ва бошқа жойларда бахтсиз ҳодисаларнинг рўй беришига сабаб бўлади. Мактаб ўқувчилари иштирокида янги ўқув йили бошлангандан бери 51 та йўл-транспорт ҳодисаси қайд этилиб, бунда 3 нафар ўқувчи ҳаётдан бевакт кўз юмди ва 48 нафари тан жароҳати олиб, касалхоналарга етказилди. Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мактаб ўқувчилари иштирокида Уйчи, Тўрақўрғон, Наманган туманларида ва, айниқса, Наманган шаҳрида кўплаб ҳодисалар содир бўлмоқда.

Ўқувчилар иштирокида ҳодисалар асосан ҳафтанинг жума, шанба ва яшанба кунлари, куннинг соат 12 дан 13 гача ва 16 дан 19 гача бўлган пайтларида содир бўлмоқда. Бу ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларининг яхши ташкил этилмаганлиги оқибатидир.

10 январь куни соат 10 лар ҳамасида Наманган туманидаги 39-мактабнинг 2-синф ўқувчиси Анвар Турдиев Бешкапа-Тўрақўрғон йўлининг қатнов қисмида трактор прицепига осилиб

яхмалак отиб, қўлини қўйиб юборган пайтда орқадан келаётган УАЗ-452 автомобили уриб юборади, ва натижада бола жароҳатланади. Ёки бошқа бир мисол: 12 январь куни эрталаб 8лар ҳамасида Совет туманидаги 52-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Клара Бочарова Наманган-Косонсой йўлида, троллейбусдан ту-

шиб, уни олдида кесиб ўтаётганда ВАЗ-21061 Л 05-16 НА автомобили уриб юборади. Бу икки мисолдан кўриниб турибдики, агарда ўқувчилар йўлда яхмалак отишмаганда еки троллейбусни қоида талаби бўйича орқасидан айланиб ўтганида эди, бахтсиз ҳодиса юз бермаган бўларди. Ўқувчилар иштирокидаги бахтсиз



йўл-транспорт ҳодисалари ортиб бораётганлигининг яна бир асосий сабаби — ўқувчиларнинг йўл ҳаракати қоидалари талабларини билмасликлари эки билсаларда уни бажармасликлари. Яқинлашиб келаётган транспортнинг олдида кесиб ўтиш, йўлнинг қатнов қисмида ўйнаш, белгиланмаган жойдан ўтиш, велосипедларни йўл ҳаракати қойдаси талабларига зид равишда бошқариш шулар жумласига киради.

Ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш натижасида шу нарса аниқланмоқдаки, ўқувчилар содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг асосий иштирокчилари бўлиб қолмоқдалар. Бунда ота-оналар фарзандларини назоратдан четда қолдираётганликлари билан биргаликда, мактабларда йўл ҳаракати талабларини ўргатиш суст олиб борилаётганлиги ва ота-оналар билан мактаблар ўртасида узвий алоқалар ўрнатилмаганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Давлат автомобил назорати ходимлари мактабларда ҳодисаларни ўрганиб чиқиш пайтида шундай ҳулосага келмоқдалар. Ота-оналар ўз фарзандларини мактабга келиб-кетишига қизиқмайдилар, уларга йўлнинг қайси қисмидан юриш лозимлигини ўргатмайдилар.

Шу ўринда вилоят Давлат автомобиль назорати ота-оналарга муурожаат қилади: болаларингизни назоратдан четда қолдирманг. Йўл ҳаракати қоидаларини уларга ўргатишда ўқувчиларнинг энг яқин кўмакдоши бўлинг. Болаларингизни ҳаёти кўп жихатдан Сизнинг ўз қўлингиздалигини унутманг.

**Р. ҚОСИМОВ,**  
Наманган вилояти ИИБ ДАН бўлими тарғибот ва таъвиқот бўлинимаси бошлиғи, милиция капитани.

Қисқа хабарлар

ОҚ АРОҚНИНГ ҚОРА ИШИ

• Баҳодир Турсунов ўртоғи Аҳмад Сафаровникида меҳмондорчиликда эди. Суҳбатга Аҳмаднинг укаси Ўқтам ҳам келиб қўшилди. Яхши ўтиришганди. Баҳодир кўп ичвордимми, бақириб сўкинишга тушди. Ўқтам ҳам қолишмади. Шунда Баҳодир дастурхон устида турган пичоқни олдию Ўқтамнинг қорнига санчиб юборди. Улфатчилик кулфатга айланди.

РЎМОЛ ЎҒРИСИ

• Ўғрига барибир. Пулга чақиладиган нарса бўлса бўлди, олиб қочади. Қарши шаҳар Деҳқон бозорида фуқаро М. Қозоқовга тегишли ичида 16 дона аёллар рўмоли бўлган сумкани Азим Ҳ. юлиб олдию воқеа жойидан из яширишга уринди. Аммо рўмол ўғриси узоққа қочиб кетолмади. Милиция ходимларининг тезкор ҳаракати туфайли у қўлга тушди.

Ў. ҲАЙДАРОВ.

ТАЖРИБА ОММАЛАШ-МОҚДА

Жиноятчиликка қарши кураш ва адолатни қарор топтириш борасида Фурқат туманида талай ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Фаргона вилояти телерадиокомпанияси ва "Фаргона ҳақиқати" газетасида февраль ойининг бошларида "Куч — адолатда" рукни остида туман ҳокимияти ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг жиноятчиликка қарши кураш ҳамда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасидаги илгор тажрибалари кенг еритилди.

Яқинда вилоят ҳокимияти Фурқат тумани ҳокимлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг илгор тажрибаларини ва бу борада эришаётган муваффақиятларини оммалаштириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Қарорда туманда олиб борилаётган ишлар, илгор тажрибаларни вилоятнинг бошқа туман ва шаҳарларига ҳам кенг ёйиш, шаҳар, туман ҳокимликларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига зарур ердан бериб, жиноятчиликни пайини қирқишда кенг жамоатчиликка таянган ҳолда ишлашга эришиш каби муҳим аҳамиятга молик вазифалар белгилаб берилди.

Шунингдек, "Маҳалла" жамгармасининг маҳаллаларда жиноятчиликнинг олдини олишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан фаол ҳамкорлик қилишни ташкил этиши, "Фаргона ҳақиқати" ва "Фарганская правда" газеталарининг муҳарририятига ҳамда вилоят телерадиокомпаниясига бу соҳа жонқуярлари эришаётган тажрибаларни кенг оммалаштириши таъкидлаб ўтилди.

ОМОНЗОДА.

Бизнинг суҳбат

**МАХСУС тадбирларни ўтказиш ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашининг самарали воситаларидан биридир. Шулар қаторида шартли равишда "Комплекс", "Арсенал" деб номланувчи тадбирлар алоҳида ўрин тутади. Яқинда, Музробод туманида ўтказилган ана шундай тадбир раҳбарларидан бири вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи муовини, милиция майори И.Расулов билан суҳбатлашдик.**

— Бу тадбир нима учун йил бошидан Музробод туманида ўтказилди?

— Оммавий ахборот воситаларидан яхши маълумки, янги 1994 йил арафасида вилоятимиз ҳудудида кўплаб оғир жиноятлар содир бўлди. Тадбир вазиятни таҳлил қилган ҳолда йил бошида Денов туманида, кейин 19-23 январь кунлари Музробод туманида ўтказдик.

— Ички ишлар идоралари шахсий тарқибни олдири қандай мақсадлар қўйилган эди?

— Мақсад жиноятчиликнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, жиноятларни очиш, оммавий тартибсизликларга йўл қўймастик эди. Олтмиш нафар милиция ходими иштирок этган бу тадбир мобайнида 1086 хонадон текширувдан ўтказилди, жумладан 10815 нафар фуқаро билан суҳбатлар ўтказилди. Туман ҳудудида яшовчи милиция ҳисобида турган шахсларни қаттиқ назорат қилиш, паспортларни текшириш, ҳуқуқбузарликка мойил кимсаларни аниқлаш бизга вазиятни барқарор сақлаш ва фуқаролар мол-мулкларини ўғирлашга йўл қўймастик имконини берди.

Нима учун бу гал ҳам фуқароларнинг паспорт тартибига риоя этишларини текширишга катта эътибор бердик? Чунки, бу туман ҳорижий давлат, яъни

Афғонистон ва Туркменистон билан чегарадош. Паспортларни текшириш даврида 211 фуқаро амалдаги қондаларга риоя этмаган ҳолда яшаётганликлари аниқланди. Туманнинг Ат-Термизий номли жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи

ТАДБИР РАҲБАРИГА ТЎРТ САВОЛ

Алишер Менглиевнинг ёнидан 9 дона гугурт қутисига жойлаштирилган наша топилди. Ҳозир тергов ишлари олиб борилмоқда. Тадбир давомида участка вакили, милиция капитани О.Ҳожиев ташаббуси билан давлат мулкни ўғирлаш жинояти очилди. Туман марказидаги пахта тозалаш заводи ишчиси Н.Тошпўлатнинг 25 мм.ли 11 дона трубани ўғирлагани фош этилди. Жамоа хўжаликларида 6 та майда ўғирлик аниқланиб, айбдор фуқаролар иши халқ судига оширилди. Жумладан, Ат-Термизий номли жамоа хўжалигида яшовчи Шомурод Тожиев 317 килограмм шолини ўмарганлиги учун энди қонун олдида жавоб беради. Фуқароларнинг нотўғри сақланган 16 дона ов милтиғи олиб қўйилди.

А.Қодирий номли жамоа хўжалигининг 1-бўлимида яшовчи М. Хоннаев уйда ТОЗ-8 маркали бурама жанговар милтик сақланганлиги аниқланди. Тергов ишлари олиб борилмоқда.

— Куролни сақлашда қандай хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш шарт. Шу ҳақда қисқача маълумот берсангиз.

— Авваламбор, ов куроллари фақат ички ишлар идораларида ҳисобга қўйилганидан сўнггина уйда сақлашга ижозат берилишини эслатиб ўтмоқчиман. Курол сақланган уйнинг деразасида панжара бўлиши, курол сейфда сақланиши лозим. Курол ва ўқлар алоҳида-алоҳида

8 қуролида ўзини отган. Аниқланишича, қурол Мухторнинг отасига тегишли бўлиб, ҳеч қандай ҳужжатсиз, яъни ички ишлар идораларида ҳисобга қўйилмаган ҳолда уйда сақланган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Фурсатдан фойдаланиб, вилоятимиз фуқароларига агар уйларида ноқонуний, ўқотар қуроллар сақланаётган бўлса теъда ички ишлар идораларига кўнгили равишда топширишларини илтимос қилмоқчиман. Вилоят милицияси эса, ҳудудимизда осойишталикнинг сақланишига кафолат беради.

— Тадбир натижаларининг қандай таъсири бўлди?

— Тадбир натижасига тўхталадиган бўлсак, шу давр мобайнида Музробод туманида бирорта ҳам жиноят содир бўлмади. Бу тадбирлар ҳали вилоятимиз ҳудудида яна давом этади.

Сўзимнинг охирида тадбирда виждонан фаол қатнашган ходимларимизни таништирмақчиман: — участка вакиллари милиция капитани А. Қувондиқов, милиция катта лейтенанти Ю.Жабборов, туман ИИБ бошлиғи муовини, милиция майори А. Шарофутдиновлар меҳнати таҳсинга сазовордир. Шунингдек ДАН ходимлари ҳам фаол қатнашиб, 219 та транспорт билан боғлиқ қонунбузарлик ҳолатларини аниқлашди. Айниқса, туман ИИБ ДАН бўлими бошлиғи, милиция майори Я.Худойбердиев, милиция сержанти Б. Норбоев, вилоят ИИБ ДАН бўлимида милиция катта сержанти С. Шопўлатовлар бошқаларга ибрат бўлишди.

Суҳбатдош С.НОРМУРОДОВ, милиция катта лейтенанти.

ЮРСАНГ САЁҚ, ЕЙСАН ТАЁҚ

Яшаш ва иш жойининг тайини йўқ Фароғат Сайидмирзаева еш бўлишига қарамай текин пул топшига ружу қўйди. 1993 йил 18 июнь куни кундузи Тожикистон Республикасининг Хўжанд вилояти Пролетар туманидан Бекобод тумани "Ўзбекистон" жамоа хўжалигининг 20-бригадасида яшовчи туғишган

опаси Турсуной Шариповаларникига номаълум энгил автомашинада кириб келди. Уйда ҳеч ким йўқлигини олдиндан билган Фароғат Сайидмирзаева дераза ойнасини уриб синдириб ичкарига кириб, сандиқ ичидан опаси ва поччаси меҳнат орқали топган 15 минг сўм пул ва ҳар хил кийим ҳамда газмолларни

ўғирлаб, гойиб бўлди.

Бекобод тумани ички ишлар бўлимининг Терговчиси, милиция катта лейтенанти Сафарали Мавлонов ва шу ички ишлар бўлимининг жиноят-қидирув бўлинимаси катта изкувари, милиция катта лейтенанти Солижон Юсуповларнинг сай-ҳаракатлари натижасида жиноятчи шахс Фароғат Сайидмирзаева эканлиги аниқланиб, у 1994 йил январь

ойида қўлга олинди.

Ҳозир жинойи иш бўйича тергов тугалланди. Фароғат Сайидмирзаеванинг қилмишларига Бекобод туман судининг "баҳо" бериши қолди, холос.

"Юрсанг саёқ, ейсан таёқ" деб шу-ни айтадилар-да.

• А. БЕРДИҚУЛОВ, Бекобод туман ИИБ тергов бўлими бошлиғи, милиция капитани.

# БИЗ ФАҚАТ "ОҚ ЙЎЛ" ТИЛАЙМИЗ

Тошкент шаҳар Давлат автомобиль назорати бошқармасининг ўтган йил мобайнида жамоат тартибини сақлаш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва шаҳардаги тезкор вазиятни соғломлаштиришга қаратилган фаолияти режалаштирилган профилактик тадбирлар асосида олиб борилди.

Йўл-транспорт ҳодисаларининг умумий сони 4 фоизга, жароҳат олганлар сони 6,8 ва ҳалок бўлганлар сони 20 фоизга камайди.

Ҳаракат қатнашчилари, жумладан ҳайдовчилар ўртасида тегишли тушунтириш ишлари олиб борилиши натижасида уларнинг айби билан содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари 3,8 фоизга қисқарди.

Қўпол қоидабузарликларнинг олдини олиш, айниқса автомашинани маст ҳолда бошқариш, чорраҳадан ўтиш қоидаларини бузиш ҳоллари билан боғлиқ бўлган ИТХ сони 14,7 фоизга камайди.

Ўтган йил давомида шаҳар ҳудудида жойлашган автокорхоналарни 263 марта комплекс текширувдан ва 475 марта назорат тариқасида текширувдан ўтказилди.

Ўтказилган комплекс назорат тариқасидаги ва йўналишлардаги текширувлар вақтида халқ хўжалигига қарашли бўлган 59220 та транспорт воситаси текширилиб, улардан 9075 тасида йўл ҳаракатига хавф солувчи техник носозликлар мавжудлиги сабабли ишлатишдан вақтинчалик четлаштирилди.

Оқоридаги рақамларни келтиришдан мақсад, қилинган ишларни санаб ўтиш эмас, балки бундан кейин содир бўлиши мумкин бўлган ҳунук воқеаларнинг олдини олиш ва ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати маданиятини мукамал эгаллашларига турткидир.

Бизнинг доим ниятимиз битта: "Оқ йўл сизга, азиз ҳамшаҳарлар!".

**Азиз ЭРНАЗАРОВ,**  
Тошкент шаҳар ДАНБ бўлими бошчилигининг мудири, милиция майори.

# ОМАД ЁР БЎЛСИН!

ШАҲРИЁРНИНГ ҳаёт йўли тенгдошларига анча ўхшаш бўлиб, у 1968 йилда — 15 ёшида ўрта мактабда ўқиш билан бирга бирор касбга эга бўлиш мақсадида ўзи яшаб турган жойида, яъни Самарқанд туманидаги қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирлаш устахонасига тоқарга шоғирд тушди. 1971 йилда эса ўрта мактабни битиргач, у армия сафига қақирилди ва олти ойлик кичик командирлар тайёрлаш мактабига тахсил кўриб, авторотада бўлинима командирлиги этиб тайинланди. Хизмат тугаб, уйига қайтгач, Шаҳриёр яна ўзининг қадрдон иш жойига келди. Бу ерда бир йил ҳалол меҳнат қилганидан сўнг жамоа тавсияномаси билан Самарқанд вилояти ички ишлар

чиқарадиганларини ўз вақтида аниқлаш, йўл ҳаракати қисмини яхши ҳолатда сақлаб туришни назорат қилиш, талабга тўлиқ жавоб берадиган йўл белгиларининг созлаганини таъминлаб туриш юзасидан ҳамкасблари ўртасида энг яхши натижаларга эришганлардан биттаси бўлди.

Мана, Ш.Ҳайдаров ички ишлар идораларида ишлаб бошлаганига ҳам қарийб 20 йил бўлибди, шунга қарамастан у ҳамон куч-қувватга тўлган ҳолда илгорлар сафига бормоқда.

Милиция сержанти Ином Жалилов, милиция старшиналари Аваз Муқимов, Амир Неъматов, йўл-патруль катта назоратчиси, милиция лейтенанти Иброҳим Қаримовлар



идораларида хизмат қилиш учун юборилди. Ш.Ҳайдаров Давлат автомобиль назоратининг йўл-патруль хизмати нозир лавозимига тайинлангач, хизмат учун зарур бўлган барча меъерий ҳужжатларини қўл билан ўрганди, ўзининг устозлари: милиция старшинаси С.Воҳидов, кичик лейтенант А.Раҳимовлар раҳбарлигида хизмат сирлари билан яхши танишди, аста-секин мустакил ишлаб бошлади. Иш жараёнида Шаҳриёр касб танлашда янглишмаганини сезди, бошлиқлар ҳам унинг ўз бурчига садоқатли, жонкуяр эканлигига қаноат ҳосил қилишди. Вақти келиб, милиция старшинаси Ш.Ҳайдаров ўз билми савиясини ошириш мақсадида автомобиль йўллари техникуминини ҳам муваффақиятли битириб чиқди. У йўл ҳаракатида тез-тез учраб турадиган турли ҳуқуқ-бузарликларга, яъни спиртли ичимликлар ичиб транспорт воситаларини бошқараётган, техник жиҳатдан носоз бўлган транспортдан фойдаланаётган, йўл ҳаракати қоидаларини қўпол равишда бузиб авария ҳолатини келтириб

унинг шоғирдлари ҳисобланади.

Йўл-патруль хизмати назоратчиси, милиция старшинаси Шаҳриёр Ҳайдаров узоқ йиллар давомида ўз хизматини виждонан, ҳалол ва намунали бажарганини учун жамоада иззат-ҳурмат топди, хизматлари учун бир неча бор тақдирланди.

Милиция старшинаси Ш.Ҳайдаров фақатгина мураббий, милиция аълочиси бўлиб қолмасдан ғамхўр ота ҳамдир. Унинг бир-биридан ширин-шакер икки ўғли ва бир қизини воляга етмоқда. Ажаб эмаски, улар ҳам оталари изидан бориб милиционерлик касбинини танлашса, лекин биз биттасига аминимиз, улар ким бўлишларидан қатъий назар мустакил дёбиримизнинг келажақдаги муносиб фарзандлари бўлиб етишадилар.

Мақоламизга нуқта қўяр эканмиз Шаҳриёр Ҳайдаровнинг келгуси ишларида омад ёр бўлсин, дейимиз.

**С.ЗОҲИДОВ,**  
милиция майори, Самарқанд вилояти.

Суратда: милиция старшинаси Ш.Ҳайдаров хизмат пайтида.

# Фидойиларимиз



**ЭЛЛИКҚАЛЪА** тумани, "Сарибий" қишлоғи аҳолиси ўзларининг участка вакиллари, милиция катта лейтенанти Мақсуд Эгамбердиевни жуда ҳурмат қилишади. Бунинг сабаблари кўп, албатта. Чунки М.Эгамбердиев қишлоқ аҳлининг тўю томошаларида, яхши-ёмон кунларида доимо қўлидан келганича иштирок қилиб келади.

Суратда: милиция катта лейтенанти М.Эгамбердиев. Саядулло БОБО ОЛГАН СУРАТ.

# ҲАМЗА АКА

МИЛИЦИЯ майори Ҳамза Саидовнинг милицияда хизмат қилаётганига кўп бўлгани йўқ. 2-қишлоқ хунар-техника билим юртида ҳарбий таълим ишлари бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлаган Ҳамза ака учун милицияда хизмат қилиш аввалига оғир бўлиб туюлди.

Ишни Яккабоғ боғдорчилик давлат хўжалигида участка вакили вазифасидан бошлади. Хўжаликда ташмачилик авж олганди. Қисқа фурсатларда Ҳамза Саидовнинг астойдил ҳаракати билан талон-торожликка чек қўйилди. Икки йилдан буён очилмасдан келаётган трактор паркидан ўгирланган аккумулятор ва Мевазор қишлоғида яшовчи Турдиеванинг бир бош қорамоли ўгирлиги фош қилиниб, эгаларига қайтарилди, айбдорлар эса қилмишларига яраша жазо олишди.

Бўлим раҳбарияти милиция катта лейтенанти Ҳамза Саидовнинг доврақлиги ва қобилиятини ҳисобга олиб, уни Яккабоғ шаҳри бўйича катта участка вакили вазифасига тайинлади. Шаҳарда тез-тез ўгирликлар содир этилар, турли тартибузарликлар учига чиққан эди.

Ҳамза ака асли яккабоғлик эмасми, шаҳарнинг паст-баландини, одамларнинг хулқ-атворини яхши билиши кўл келдими, тезда шаҳарда намунали жамоат тартиби ўрнатилди.

Унинг ҳаракати билан кўнгилли халқ дружиначилар иши йўлга қўйилди. Пахта заводи раҳбарияти ҳомийлигида шинамгина милиция таянч пункти жиҳозланиб ишга туширилди.

1988 йили Ҳамза Саидов участка вакиллари республика кўрик-мусобақасида қатнашиб фахрли ўринни эгаллаб қайтди. Эски Яккабоғ шаҳарчаси ҳудудида жиноятчиликнинг ўсиб бораётганлиги ва туман марказидан узоқлиги ҳисобга олинди, ноибларнинг талаблари асосида 1990 йилда шу ерда милиция бўлинимаси ташкил қилинди. Ҳамза Саидов бўлинима бошлиги вазифасига тавсия қилинганди, вилоят ички ишлар бошқармаси раҳбарияти ҳеч иккиланмасдан уни бу лавозимга тайинлади.

Эски Яккабоғ шаҳарчаси туманининг энг оғир худудларидан бири бўлиб, хўжаликлар Хисор тоғ енбағирларида жойлашган, мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади.

Ҳамза ака ўз ҳудудида жиноятчиликнинг олдини олиш ва унинг очилишида катта ишларни амалга оширмоқда. Масалан, 1993 йилнинг 2 ноябидан 3 ноябига ўтар кечаси энгил санаот ишлаб чиқариш корхонасига қарашли, Нуралиев Холмамат бошқарувида бўлган Т-28 маркали тракторни номаълум шахслар уйи енидан ўгирлаб кетишганди. Тезда бўлинима бошлиги Ҳ.Саидов бошчилигида тезкор гуруҳ тузилиб, қидирув бошлаб юборилди. Сўраб-суриштиришлар натижа бермас, бутун бошли трактор кумга сув қуйгандек дом-дараксиз эди. Ҳамза ака қайта-қайта тракторчи Холмамат билан суҳбатлашди. Суҳбатларнинг бирида Холмамат тракторни олиш пайтида шу корхонада ишловчи Бахтиёр исмли йигит ҳам от солиб кўрган, лекин трактор Холмаматга насиб этгач, аламзада бўлиб қолганлигини айтди. Бахтиёрнинг икки синглиси Китоб туманининг Ҳайриобод қишлоғига турмушга чиқиб кетганлиги ва қайногаларининг бири тракторчи эканлигини ҳам билиб олди. Шундан сўнг жиноят-қидирув тезкор вакили, милиция майори Дўсмурод Хусанов, ДАН катта назоратчиси, милиция лейтенанти Холтўра Жуманов ва тракторчи Нуралиевлар Ҳайриободга юборилди.

Хусанов ўзини "Турон" номли хусусий корхона

раиси, ёнидагиларни ўзининг ёрдамчилари деб таништириб, сотиб олиш мақсадида трактор суриштириб келганини айтганда, Ҳайриобод қишлоғининг биринчи дуч келган фуқароси Китоб туманидаги ташкилотларнинг бирида тракторчи бўлиб ишловчи Ғайбулло Қобиловнинг уйи дарвозасини кўрсатди.

"Харидорлар" тракторни кўздан кечириб, Холмамат ёнидаги пуркагич найчасидаги ўзи боғлаб ташлаган ипни таниди. У ўзининг ҳис-хаяжонини зўрга босиб, яна трактор атрофида айлана бошлади. Соябонидаги учта тешик ҳам ўзига таниш эди. Шундан сўнг "хусусий корхона аъзолари" асл қиёфаларини очишиб, милиция ходимлари эканлигини айтишганда, Ғайбулло анчагача ҳолсиз бўлиб қолди.

Воқеа шундай бўлган. Қобилов ташкилот томонидан ажратилган тракторни юргизолмасдан хуноби ошди. Қаёққа бормасин, эҳтиёт қисмлар анқонинг уруги. Икки укаси Эски Яккабоғ қасабасидан уйланишган, бу ёғи қуда-андачилик дегандек, тез-тез у ерга бориб турарди. Шу ташрифларнинг бирида автобусда уйига қайтатуриб, кўчада турган тракторга кўзи тушиши билан юзига қизил югурди. Шу кунни у уйига қайтмасдан кеч бўлишини кутди. Соат миллари 2.00

чамасида орзиқиб кутган трактор енига келиб, ҳеч кимсанинги йўқлигига ишонч ҳосил қилгандан сўнггина рўлға ўтириб жиловини Китоб томонга қўйиб юборди.

Эсон-омон уйига етиб келган ўлжали Ғайбулло беҳтиёр кулимсираб ичиди суюнди. (Ҳозир нима пул — темир!). Камида олти миллионлик бойвачча бўладиган бўлди. Икки тракторнинг эҳтиёт қисмларини бир-бирига алмаштириб, ўгирланганини акасининг уйига олиб бориб қўйди. Ўзининг тракторини сотиб юбориш учун харидор ахтара бошлади. Шундай қилиб, саёхатчи трактор 51 кундан сўнггина Ҳайриобод сафаридан ўз корхонасига қайтди. Трактор ўтриси ўз айбига иқроор бўлди. Энди унинг жазо олиши тайин.

Бундан ташқари, бевосита милиция майори Ҳамза Саидовнинг астойдил ҳаракати натижасида "Турон" давлат хўжалиги ҳудудида жойлашган Ф.Держинский номли ўрта мактабнинг лингофон хонасидан ўгирланган "Тратон" маркали иккита магнитофон ҳам топилиб, мактаб жамоасига қайтарилди. Ачинарлиси шундаки, магнитофон ўтриси шу мактабнинг хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари бўлиб чиққан.

Ҳамза Саидовнинг хизматлари ички ишлар бошқармаси раҳбарияти томонидан муносиб рағбатлантирилиб боришмоқда. Яқинда вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиги буйруғига асосан пул мукофоти билан тақдирланди.

Ҳамза ака хизматда қаттиққўл раҳбар бўлса, оиласида беш нафар фарзанднинг меҳрибон отасидир. Турмуш ўртоғи Шарофатхон шаҳардаги Ойбек номли ўрта мактабда директор, тўнғич ўғли Жаҳонгир ота изидан бориб, Тошкент Олий милиция мактабининг тингловчиси бўлди. Шерзод ортопед-тиш техниги, Нилуфар талаба, Бехзод ва Нодирбеклар ўрта мактабнинг намунали ўқувчилари ҳисобланишади.

Ҳа, халқ осойишталиги йўлида тинимсиз хизмат қилаётган Ҳамза акага ҳеч қачон хорманг дейимиз. **Баҳриддин АЛИҚУЛОВ,** милиция майори.

*Мен ҳаяжонда кутган кун ҳам етиб келди. Хотин-қизлар жазо ўтовчи ахлоқ тузатиш муассасасига отланарканман, ҳаёт йўлидан адашган, эндиликда қилмишидан минг бор пушаймон қиз-жувонларнинг руҳан тушкун, маънос қиёфалари кўз ўнгимда гавдаланди. Афсус-надоматлар чекаётган қалблар фиғони шу тоб менинг ҳам қалбимга кўчиб, кўнглимдан гўзал нафосат ва латофат бекаларига нисбатан озгина кечаримлироқ, андаккина шафқатлироқ бўлиш шартмасмикан деган бир мулоҳаза, ўтинч кечди. Ҳаёлимга Қиссаси Рабғузийда битилган пурҳикмат ҳикоятлар келди...*

Аёллар сақланувчи муассаса. Кўкка бўй чўзган азим чинорлар ўсган саҳни кенг ҳовли. Озода, саришта, ёруғ ётоқхоналар. Хизматдаги назорат ходимлари хушмуомала, босиқ. Ҳатти-ҳаракатларидан ўз ишига содиқ, зиёли эканликлари билиниб турибди. Муддатни ўтаётган аёллар билан даставвал уларнинг иш жойларида танишдим. Улар ҳар турдаги бичиш, тикиш юмушлари билан машгул. Кўпларининг ёшлари йигирма беш-ўттизлар атрофида. Юзларида маҳзунлик изларини кўрмайсиз. Ўзимни фабриканинг оддий ишчилари орасида юргандек ҳис қилдим. Қиз-жувонларнинг руҳан тетиклиги, ҳазил-мутойибалари кўнглимни кўтарди.

Муассасанинг кундалик ҳаёти билан танишгач, ички хизмат майори Акмал Раҳматуллаев билан қисқа суҳбатдан сўнг, мустақил давлатимизнинг хотин-қизларга кўрсатаётган алоҳида гамхўрлиги ҳатто шу даргоҳда ҳам яққол кўзга ташланиб турганлигига шохид бўлдим.

— Муассасада ёш болали оналардан бирнечаси муддатини ўтамоқда, — дейди А. Раҳматуллаев.

— Икки ешгача бўлган кичкинтойлар қонун бўйича оналари бағридан ажратилмайдилар. Болали аёллар учун алоҳида имтиёзлар мавжуд. Иш соатлари ҳам бошқаларникига қараганда анча қисқа. Махсус болалар уйи, энагалар ва тиббий ҳамширалар кичкинтойлар хизматида. Яқшанба, байрам тантаналари барча аёллар учун дам олиш куни ҳисобланади.

Балогатта етмаган ўсмир қизлар учун муассасада алоҳида яшаш жойи ва махсус билим юрти ташкил қилинган. Ярим кунлик ишдан сўнг қизлар у ерда уч ой ўқиб бичиш, тикиш ва тўқиш хунарларини эгаллаб чиқишади.

— Сир эмас, муддатни ўтаб, озодликка чиққан хотин-қизларнинг ҳаётда яна ўз ўринларини топиб олишлари жуда қийин. Улардан кўпчилигининг оилавий турмуши дарз кетган. Устига устак халқимизда жиноятнинг катта-кичиклигидан қатъий назар, аёл киши учун қамқоҳонада ўтириб чиқиш иснод, гуноҳ саналади...

— Сизнинг нима демокчи бўлганлигинизни яхши тушундим, — деди Акмал Акбарович. — Давлатимиз бу борада ҳам зарур барча имкониятларни яратиб берган. Муддатини ўтаб, озодликка чиққан хотин-қизларни ишга жойлаштириш, кундалик туриш-турмушларидан хабар олиб, назорат қилиб туриш вазифаси ҳокимиятлар зиммасига юклатилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли фармойишига биноан мазкур шахслар турар жой ва иш топгуналарига қадар жойлардаги ҳокимиятлардан ташкилий масалалар бўйича ва керак бўлганда бир маротабалик моддий ёрдам оладилар.

Мустақил давлатимизнинг асосий вазифаларидан бири — халққа гамхўрлик.

У ҳаётга нақадар тўғри тадбиқ этилаётганидан кишининг руҳи кўтарилади. Ана шундай кайфиятда жазо муддатини ўтаётган қиз-жувонларнинг дил сўзларини эшитишга, дардларига дарманд бўлишга, қайта тикланажак келгуси ҳаётлари ҳақидаги орзу-ниятларига тилақдош бўлишга ошиқаман.

Менга ҳамроҳ бўлган муассасанинг тарбиявий ишлар бўйича йуриқчиси, ички хизмат катта лейтенанти Марина Якунина аёллар билан яққам-яққа суҳбат самимий, юракдан бўлишини айтди. Дарҳақиқат, биринчи ҳамсуҳбатим

# ШАЙТОН ВАСВАСАСИ

тошкентлик Эльмира (маҳбусаларнинг исмлари ўзгартирилган) — жуда очик қалб, дилкаш аёл чиқиб қолди.

— Ўша машъум кун худди кечагидек эсимда, — деб хотирлайди у. — Кечга яқин қутилмаганда бир танишим меҳмондорчиликка келиб қолди. Анчадан бери кўришмаган эдик. Овқатдан олдин меҳмон хурмати учун ўша “қуриб кетгур”дан озгина-озгина ичдик. Бир пайт бизникига қўшним кириб келди. Андак кайфи бор эди. Уни дастурхонга таклиф қилдим. Яна ичдик. Гапдан гап чиқиб, қўшним билан жанжаллашиб қолдик. Қўшним икки-уч йил бурун йўқотган қалпогини “сен олгансан” деб, мени ўғирликда айблаб бошлади. Жанжал ҳақоратга айланди. Жаҳлдан ўзимни йўқотиб қўйдим. Қўлимга қандай қилиб ошпичоқ тушиб қолганини ҳам, қўшнимга қандай қилиб пичоқ урганимни ҳам билмайман...

Афсус-надоматданми, ёки машъум хотиротданми, опа оғир хўрсиниб, жим қолди. Ўртага совуқ сукунат чўкди. Ичкилик оқибатида етти йил озодликдан маҳрум бўлган кўркам ва навқирон бу аёлга ҳам, бекордан-бекорга гулдек умрини хазон қилган ўша ён қўшнига ҳам жуда ачиндим.

— Болаларингиз борми, опа? — сўрадим боши солиқ аёлдан.

— Ҳа, иккита фарзандим бор. Улар мени уйда қуттишяпти. Турмуш ўртоғим билан анча йил бурун ажралишганмиз. Учрашувга ҳам болаларимнинг ўзлари келиб-кетишади. Жаҳл чиққанда ақл қочар экан. Қилиб қўйган ишимдан шундай пушаймонманки... Етти йил елга соврилган ўз умримга бир куяман, балойи кайф домида қўшнимнинг умрига завол бўлганимга бир куяман.

Аёллар. Сизлар билан сирлашганим сайин елкамдан қандайдир оғир дард тоғдек босади. Дарёга чўқаётган одам, ҳатто хаста епишганидек, уммон ичра сизга мадад бўла оладиган ҳар заррани битта-битталаб тераман, борган сари кўз ўнгимда хира тортиб бораётган латофатингиз, лобарлигингизни асраб, авайлашга ҳарчанд уринаман...

“...Бир йигитни қаттиқ севиб қолдим. Ота-онам мени бошқа йигитга унаштириб қўйишгани сабабли уларнинг розилигисиз севган йигитим билан катта шаҳарга қочиб кетдик. Уч ой яшаганимиздан сўнг билиб қолдим — у ўғри экан. Мени ҳам жиноятга тортиди. Аввалига ўғирликларига мажбуран шерик бўлдим. Кейинчалик эса, аста-секин ўзим ҳам бу ишга ўрганиб қолдим...”

Бу марғилонлик 22 яшар Мақсуданинг ҳикояси. “Қиз боланинг номуси — бир авлоднинг номуси”, — деган нақл бор халқимизда. Ҳаром-хариш, бойлик ортидан келаётган маишат, ялтироқ-юлтироқ тақинчоқлар, кийим-кечакка мазахўрак бўлиб қолган қиз, наинки ўз ор

— Лнинг қотили сен эканлигингни милиция ходимлари фақатгина тўққиз кундан кейин билишибди. Мана шу кунларни қандай ўтказдинг? Нималарни ҳис қилдинг?

— Ҳар куни, ҳар соатда милиция келиб мени олиб кетадигандай туюлаверди. Ҳатто, уйқумда ҳам ҳаловат йўқ эди. Мени даставвал терговга олиб кетишганда ҳам Л.ни мен ўлдирганимга ҳеч ким шубҳа қилмади. Қотил Тохир деб ўйлашаётган экан. Мен ўзим ҳаммасини гапириб бердим...

Қаршимда ўтирган аёлга тикиламан. Андижонлик 33 ёшли Гулмира суд берган жазо гўё унинг гуноҳини “ювиб” кетгандай бийрон сўзлайди. Барча қизлар қатори турмуш қурганлигини, уч-тўрт йил эри билан яхши яшаганлигини айтди. Сўнг кўзларидан дув-дув ёш тўкилди. “Эрим ичадиган одат чиқарди. Мени хўрлай бошлади. Унинг зулмларига фақат болаларим учун чидаб келдим. Ўша куни уйда эрим яна жанжал кўтарди. Сабаби, онамникида бир кун қолиб кетганим.

— Қаердан келган бўлсанг, ўша ерга қайтиб кетавер, — деди эрим. — Биламан, ўйнашингникида бўлгансан. Менга сендай хотин керак эмас...

Эримнинг бу галги хўрлаши тоқатимни тоқ қилди. Тўртта бола билан қаерга бораман? Кимнинг уйига сизаман деб ўйладим...”

— Болаларингизнинг ешлари нечада? — деб сўрадим йиғлаётган аёлга қандай тасалли беришни билмай.

— Болаларимнинг каттаси 7

ешда, кейингилари 5, 3 ва бир ярим ешда...

Бу аёлнинг дардини ўзимча тушундим. Фарзандлар соғинчи хойнаҳой юрагини ўртаётгандир деган ҳаёлга бориб сўрадим:

— Болаларингиз яқин кишиларингиз қўлида қолгандир? Отаси хабар олиб турар?..

Саволим бежавоб қолди. Аёлнинг шикаста кўнглига озор бериб қўймадиммикан деган андишада секингина саволимни қайтардим.

Сукунат. Аёлдан яна садо чиқмади.

— Нима сабабдан бу ерга келиб қолдингиз? Нима бўлган эди, опажон?

— Ўзим ҳам билмайман, нима бўлганини. Ўзимни ҳам ўлдирмоқчи эдим, ўлдирилмадим... — У яна жим қолди. Менинг қайта-қайта илтимосимдан кейин, у гапида давом этди — ... Ухлаб етганларида арқон билан бўғдим... Аввал уларни... Кейин ўзимни ўлдирмоқчи эдим...

Шайтоннинг васвасасига учраган бундай одамлар энди тавба қилишлари, руҳларини поклашлари, гуноҳларини ювишлари ҳам қарз, ҳам фарздир. Акс ҳолда... яна шайтоннинг малагига айланиб қолаверадилар.

... Муассаса дарвозасидан катта кўчага чиқдим. Ҳаёт ўз маромида давом этапти. Ана, бошим узра феруза осмон. Оёғим остида яна музаффар замин, у мени забардаст елкасида кўтариб турибди. Атрофимга қарайман. Ёнгинамдан икки аёл ўтиб борапти. Қўлларида лиқ тўла кўш рўзгор халта. Орқаларидан ширин болакай тойчоқдек чопқиллаб борапти.

Ўхшаши йўқ бундай гўзал манзарани биринчи бор кўриб тургандай орқаларидан ҳавас билан узоқ қараб қолдим. Қанчалар бахтиер улар!..

Фарида ҚОРАҚУЛОВА.

Нормамат TOFA

# ТУННИ ШАРПАЛАР

Бободўст Хуррамов гапга яқун ясади.

— Бўпти. Ишни тезлатинг, ҳаракатни бўшаштирманг!

Абдували Бойхонга ҳужумга ўтганида Қамбар йиқилган жойидан иргиб туриб, ўзини деразадан ташлаб қочган эди. У машинасига бориб, рулга ўтирди-ю газни босди. Сардобадан узоклашгунча орқа-олдига қарамасдан, машинани елдек учирди. Дала йўлига чиққанидан кейингина бир зум тўхтаб, қаерга боришини ўйлаб бошлади. Ўғирланган молларни сотишда ердан кўрсатадиган шериги Рўзвонни эслаб қолди. Машина жоловини Рўзвонникига буриб, шашт билан ҳайдаб кетди.

Шахарчага тутшиб кетган кичкина кишлок орқасидаги ястаниб етган адирдан кейин тоғ бошланади. Шахарча марказидан келадиган асфальт йўл кишлокни тенг иккига бўлиб ўтиб, адир этагида тугайди. Нарироқдан ўтган сўқмоқ эса тўғри тоғ ораллигидаги кишлокқа олиб чиқади. Шахарча тарафдан кишлокқа кираришда йўлнинг ўнг тарафи гузар. Худди шу ерда бекат ҳам бор. Бекатнинг орқа тарафидаги пахса лойдан пастаккина қилиб қурилган эски, кўримсизгина ҳовли Рўзвонники. Унинг уйига кичкина бир табақали эшикчадан кирилади. Томи лойсувоқ қилинган, олди айвонли икки хонали уйда Рўзвон кекса онаси билан яшайди. Унинг ҳар иккала дераза кўзлари ҳам қирқ

**(Боши ўтган сонларда).**

ямоқ. Фақат биттаси бутун холос. Қолганларининг ойнаси синган ва қоғозлар билан епиштириб қўйилган.

Қамбар Рўзвонникига вақт ярим тундан оққанда етиб борди. Машинадан тушиб, эшикчани қаттиқ мушлади. Зум ўтмай эшик орқасида Рўзвон пайдо бўлди.

— Ким?  
— Мен, оч эшикни!  
Рўзвон Қамбарнинг овозини таниб, дарҳол эшик занжирини тундириди.

— Ассалому алайкум, Қамбар ака. Саломатмисиз? Келинг, марҳамат! Ёлғизмисиз?  
— Уйда ким бор?  
— Узимиз.  
— Машинада арок, яхна гўшт, майда-чуйда егуликлар бор, олгинда, кейин машинани жойлаштириб кел. Бугун узокқа оборма, анави бўлангникига кўяқол. Айтмоқчи, машинадаги тугун-терсақларнинг уйга олиб кир.

Қамбар машина қалитини Рўзвонга бериб, ўзи айвонга чиқиб борди. Айвон ўртасидаги хонтахта енига солинган рангсиз кўрпача устида қўлида пиела билан ўтирган жувон Қамбарга истамайгина бошини иргиб салом берди. Қўлидаги пиелани хонтахтага қўйиб, ўзи чеккароқ сурилиб ўтирди. Қамбар бетакаллуп хонтахтанинг бу томонига, жувоннинг рўпарасига ўтирди. Хонтахта устида ушатилган нон, таксимчада яримлаб қолган помидор, бодринг тўграмлари, иккинчи таксимчада майдалаб кесилган

гўшт бўлаклари, ярим шиша ароқ, чойнак ва пиелалар турибди.

— Яшимисиз хоним? — деди Қамбар чордона қуриб ўтираркан жувонга суқ билан боқиб. — Қани, ароқингиздан бир пиела қўйиб, қарзор қилиб туриг-чи, йўл эзиб ташлади.

Жувон индамай пиелага ароқ қўйиб узатди.

— Узингизгаймда, — Қамбар шундай деб жувоннинг қўлидан пиелани оларкан, унга очқўзлик билан боқиб, зўраки илжайди, — елгизлик худого ярашибди, деган гап бор, ахир. Бундай бир танишайлик: Менинг исми Қамбар. Рўзвоннинг тугунтинган акахони бўламан. Бўйдоқман.

Жувон гапирмасдан иккинчи пиелага ҳам ярим қилиб ароқ қўйиб, Қамбар узатган пиела билан пиеласини уриштирди.

— Исми-шарифларини айтмадилар-ку.  
— Барнохон.  
— Бай-бай, ўзингиздан ҳам исмингиз чиройли экан! — Қамбар шундай деб лабини чапиллатганича пиеладаги ароқни сипқорди. Барнохон ҳам бир културм ютди.

Айвонга қўлида тугун-терсақлар билан Рўзвон қилиб келиб, улардаги нарсаларни хонтахта устига чиқариб қўяркан, Қамбарга гап қотди:

— Доим тўлиб-тошиб юрасизда, Қамбар ака.  
— Нариги тугунлар қани?  
— Эшик ичкарасига киритиб қўйдим, ҳозир олиб келаман.  
— Машинани жойлаштирингми?  
— Жойлаштирдим.  
— Кампир кўринмайди?  
— Ана, ҳовлида, супада ухлаяпти.

— Сухбатларингга халал бермадимми, ишқилиб?  
— Йўқ-ей. Биз шахардан эндигина келгандик. Автобус бўлмади, йўлда кўп кутиб қолиб, йўловчи машинада келдик. Барнохон билан ўтган ҳафта танишиб қолгандик. Бугун бир кишлокни, уйни кўрсатиш учун олиб келдим.

— Шахарда уйлари борми, Барнохоннинг?  
— Йўқ, квартирада-ижарада турарканлар.  
— Оббо, бемаврид келиб, нашьаларингга сув қўйибманда.

— Ҳечқиси йўқ, — деди Рўзвон Барнохонга бир қараб олиб, — сиз келмаганингизга, барибир куруқ суқбатдан нарига ўтолмасдик.

— Нима, ҳали муромага келолганларинг йўқми?  
Бу саволга икки томондан ҳам жавоб бўлмади. Барнохон ўрнидан қўзғалиб деди:

— Энди сизлар суқбатлашингизлар. Мен момонинг енига ўтиб етаман.  
— Йў-ўқ, — деди Қамбар чўзиб, — бироз ўтириб туриг, гап бор. Рўзвон, бор, тугунларни келтир!

Рўзвон тугунларни келтириб Қамбарнинг енига қўйди. Халигина осмондан келиб гапириб ўтирган Рўзвоннинг Қамбар келгач югурдакка айланиб қолганини кўрган Барнохоннинг ичидан зил кетди. Қамбар тугунларнинг ҳаммасини Барнохоннинг енига олиб қўйиб, гап бошлади:

— Очиғини айтсам, савдогарман. Ёқтириб қолган кишимга боримнинг ҳаммасини ҳада қиламан, деб сўз айтгандим. Ана шу тугунлардаги нарсаларнинг ҳаммаси сизники! Бемалол очиб кўраверинг.

Барнохон иккиланишга ўхшаш бир ҳолатда Рўзвонга қаради. Рўзвон отасидан дашном эшитган боладек япанглаб, синик товушда деди:

— Ҳа, бемалол очиб кўраверинг.  
— Рўзвон, ароқдан қуй! — естикқа енбошлаётган Қамбар амирона оҳангда буюрди. — Барнохонга ҳалакат бермайлик, кийимликлар-у, тақинчоқларни бир мириқиб томоша қилсин. Лекин, сен кўп ячма, бироздан кейин бир жойга жўнайсан. Сен қайтиб келгунингча биз Барнохон икковимиз шу ерда бўлиб турамыз. Эртага Барнохонни шахарга олиб тушиб келаман. Шахардан уй сотиб олгунимизча ижара хонасидаги нарсалариниям шу ерга келтириб турамыз. Биз Барнохон билан шахарда яшаймиз.

Барнохон фахмладики, ўзига туюк қўйилган экан. Рўзвон уни ўзи учун эмас, Қамбар учун «севиб», авраб, бу ерга ҳам алдаб келтирган экан. Ҳечқиси йўқ, Рўзвон бўлмаса, Қамбарда! Барнохон тугунларни бирма-бир ечиб боқаркан, улардаги тайёр кийимлар, кийимлик матолар, рўмоллар, тилла тақинчоқлар, бу-

юмлар, заёмлар, пулларни кўриб ақли шошиб қолди.

— Барнохон! — деди Қамбар енбошлаб етган жойидан худди хотинига гапираётгандек бепарво оҳангда. — Сиз тугунларни анави катта уйга олиб кириб, ўша уйга жой қилаверинг, мен ҳозир қираман.

Барнохон худди гипноз қилингандек индамай тугунларни уйга ташиб қирабошлади. Қамбар Рўзвонга ўтириди:

— Барнохон учун сенга раҳмат! Зинҳор ўқимагин, яна бошқасини топиб оласан. Бу энди меники. Сен бўлангнинг машинасини ўзига ҳайдатиб, тоғ билан Сардобага жўнайсан. Бу тунда Холтўраникида бўлган воқеанинг охири нима билан тугаганини яхшилаб «разведка» қилиб келасан.

— Қайси Холтўра, қандай воқеа?  
— довдираб сўради Рўзвон.  
— Юр, ҳожатхона томонга ўт, ҳаммасини тундуштираман.

Қамбар Сардобага вазиятни билиб келиш учун Рўзвонни жўнатгач, кечани Барнохон билан унинг уйда ўтказди. Эртасига кун бўйи ҳам шу ерда бўлиб, Рўзвонни кутди. Рўзвон кечга яқин кириб келди. У ҳамма гапни билиб келганди. Қамбар энди Сардобага қайтиб боролмаслигига, боргудек бўлса, қўлга тушиб, қамалишига фаҳми етди. Тиловберган, Усаркул, Бойхонлар қўлга олинган, ўзининг уйи эса қамалда турган бўлса, энди боришдан фойда йўқлигини, ҳамма сир очирилиш тайинлигини билгач, бошқа чора топишга аҳд қилди. Рўзвонникидаям узок яшаб бўлмаслигини биларди. Биринчидан, кишлокда бегона одам дарров сезилди. Иккинчидан, шахарга яқин. Учинчидан, милициядаги ҳамроҳлари ўзининг Рўзвонникига қочган эктимолини айтишиб, сотиб қўйишлариям мумкин. Яхшиси, тоққа чиқиб кетгани маъкул. Тоғ кишлогига чўпон таниши бор. Кун курганнинг кунини ортик, деганларидек, ўша томонда яшаб турса, яна бир гап бўлар. Ишқилиб, тоғ тоғ-да. Яширинсаям бўлади, қочсаям бўлади. Ёлғизликдан кўра, Барнохонниям олиб кетгани маъкул. Шундай қилиш ниятида хаёл суриб куннинг кеч бўлишини кутди.

**(Давоми бор).**

ЎША кун улар роса бўкиб ичишди-да. Нақ «пиён бозор»нинг ўзи бўлди. У ердан юз эллик, бу ердан икки юз. Қоринларида «бензин» сал камайиши билан дарров заправка қилиб олишарди. Охири, соат бирга яқинлашди. Улар Қўйлик даҳасида тентиб юришаркан, такси келиб тўхтади. Таксидан йўловчилар тушар-тушмас тун «қаҳрамонлари» унга тап-туп ўтириб олишди, ҳайдовчи оғзини очишга ҳам улгуролмади.

— Шеф, Сирғалига!  
— Мен бошқа томонга кетаяпман, — деди ҳайдовчи Кулагин норози бўлиб.  
— Бўл, бўл, газни бос!  
Кулагин қараса, йўловчиларининг авзойи чаток. Бўйсунушга тўғри келди.

— Аэропорт билан юр! Қани!  
— Аэропортда улар бир шерикларини машинага чиқариб олишди. Кулагиннинг қовоғи солиқ, юзи тунд, фикри-еди зўравон йўловчилардан қандай қутилишини ўйлаш билан банд эди. Улар савдо маркази олдида келганларида бир бўш такси турарди.

— Тўхта, шеф, — деди Тургун. (Айрим сабабларга кўра исмлари ўзгартирилиб берилмоқда).

У шериги Мухтор билан бўш таксига ўтиб ўтиришди. Икки машина кетма-кет йўлга тушди. Сирғалига олиб борувчи дала ўртасидан ўтган йўлдан боришаркан ҳайдовчи Кулагинни баттар ваҳима босар эди. Йўловчиларнинг эса кайфлари чоғ, ҳар хил гаплардан гапиришиб борардилар. Сирғалига кирганларида чироқлар Кулагиннинг ичида енганга ўхшади. У хира пашшалар буюрган томон итаоткорона рулни бурар, лекин хаёли имкон қидириш билан банд эди. Сирғали-7 даҳасидан кетишаркан автомашина, худди эгасининг кайфиятини сезгандай, бузилиб қолди. Балки шофёр атайин бузгандир. Орқадан келаётган машина ҳам тўхтади. Ундан тушган Тургун бузилган такси енига яқинлашди.

— Сизлар нариги машинада Оқтепага бориб, ўша ерда пойлаб туриглар, — деди у Виктор ва Зиёвуддинга.

Улар кетишди. Кулагин машинасини тузатиш билан овора экан, олдида Тургун келди, қўлидаги пичоқ совуқ йилтиларди.

— Қани, бор пулингни чиқар!  
Кулагин жонини афзал билиб бўйсунди. Машина тузалиб йўлга тушди. Лекин тезда у тагин тўхтаб қолди. Энди уни фақат судраб кетиш керак эди.

Шу пайт йўлдан бир такси ўта бошлади. Кулагин қўл кўтарди. Такси тўхтади.

— Машинани шатакка олиш керак, — деди Кулагин.

— Трос йўқ, — жавоб берди ҳайдовчи Рамазонов.

Кулагин атрофдан трос қидирган бўлиб тимирсиланганча қочиб кетди. Уч оғайни зўравонлар эса Рамазоновнинг енига

шошиб ўзлари келган таксига ўтиришди.

— Юнусободга бориб келамиз, — деди Виктор.

Улар Юнусободнинг Виктор айтган 17-мавзесига етиб бордилар. Мухтор ва Зиёвуддин машинада қолишди, Назир, Тургун, Викторлар пастга тушиб, бир йўлакка кириб кетишди. Улар кўзлаган хонадон эгалари Сербяковлар ўша кун уйда йўқ — меҳмонда эдилар. Аччиқ саргузашт ишқибозлари эшикни тепиб бузиб ичкарига киришди. Лекин Худонинг ҳам қаҳри келганми, нимагадир бу тун заҳархўрларнинг сира иши

қонини ювайтиб хушидан кетди. Сўнгра кўп қон йўқотганидан вафот этди, чунки катта томири кесилиб кетганди.

Тонг отиб, омадсиз жентельменлар ҳар томонга тарқалдилар. Ҳайдовчи ҳам озошликка чиқди.

Фақат Мухтор кўчада омад излашда давом этарди. Орадан икки кун ўтди. У кечки соат ўн бирларда бир қиз ва бир йигит шериги билан таксида кетар эди. Йўлда таксига Рустам исми йигит ўтирди. Озроқ юрганларидан кейин Мухтор унинг биқинига пичоқ тиради ва қўрқитиб енидаги бор пулинг олиб қўйди. Рустам осон қутулганига шукр қилди, лекин бу ҳаммаси эмас экан. Мухтор унинг турар жойини билиб олгандан кейин таксидан тушириб юборди. Ҳа, улар эса Рустам айтган манзил томон кетишди. Мухтор билан шериклари ўтирган такси Рустамларнинг эшиги олдида тўхтади. Чакирикқа жавобан отаси Гарифзян чиқиб келди.

— Ўглингиз Рустам билан менинг акам милицияга тушиб қолди! — деди Мухтор ёлғондакам ҳаяжонланиб.

— Ота довдиради.  
— Нимага?  
— Э, бир иш қилган-да... Икковимиз пул қўшиб милицияга берсак, олиб чиқшимиз мумкин.  
— Қанча пул керак?  
— Э, ҳозир суриштирадиган вақтми?  
Ота шошиб уйига кириб кетди ва бор пули — уч минг саккиз юз сўм олиб чиқди. Гарифзян таксига ўтирди, машина бўм-бўш кўчалардан ўқдай учиб кетди. Метронинг «Пахтакор» бекатига етай деганларида Гарифзяннинг биқинига ҳам пичоқ тиралди-ю чўнтагидаги пул Мухторга ўтди. Ҳа, унинг таксидан тушириб юбордилар. Ҳа, яна омад келмади. Ҳозир уч минг саккиз юз сўм ҳам пулими. Бунинг устига, бирин-кетин қўлга тушдилар.

Тошкент шаҳар Шайхонтохур туман халқ судининг А. Аъзамхўжаев раислигидаги ҳайъати омадсиз жентельменларни қучайтирилган режимли аҳдоқ тузатиш меҳнат колонияларига юборди. Балки меҳнатдан омадлари келар.

**Ориф ФАРМОНОВ.**

# ОМАДСИЗ ЖЕНТЕЛЬМЕНЛАР

келдилар.

— Қани, шеф, пулни чиқар-чи!  
— Ҳали қассага пул тушгани йўқ. Яқинда иш бошладим, — деди ҳайдовчи довдираб.

— Орқага ўт! Имиллама!  
Рулга Тургун ўтирди. Бу орада Назир бузилган таксидаги эҳтиёт гилдиракни олиб келиб, юкхонага солди. Янги «шофёр» газни босди. Оқтепа даҳасига борганларида Виктор билан Зиёвуддин кутиб турарди.

Шайка тагин бирлашди.

Қатортол кўчасидан ўтарканлар, йўл четида турган таксини кўришди. Тургун ва Виктор пастга тушдилар.

Буюртма бўйича келган ҳайдовчи Абдуллаев орқа ўриндикда пул санаб ўтирарди. Виктор эшикни очиб унинг енига ўзини таппа ташлади. Тургун эса рулни эгаллади.

— Қани, қалитни чўз! — буюрди у. Абдуллаев жон ҳолатда ўзини пастга отди ва машина ортига ўтди. Лекин тезда унинг олдида келган Тургун пичоқ тиради.

— Қимирлама! — Тургун ҳайдовчининг боши ва юзига урди.

Виктор эса қаратэ усулида тепа бошлади. Ҳайдовчининг бахтига йўлда автобус кўриниб қолди-ю иккала зўравон

юришмаётганди. Қилган жиноятларини қарангун топган пулларни қаранг. Хонадонни остин-устун қовлаштириб ҳам арзон магнитофон, қўнғироқли соат, электрустарани қўлга киритдилар, холос. Таксичилардан пул чиқавермагандан кейин ўғирликка қўл ургандилар, бу ҳам бўлмади.

Энди нима қилиш керак? Омадсизликдан газабланган Тургуннинг эсига Рихсибой тушди. У Тургундан беш юз сўм қарз эди. Дарров ундириш керак. Кулагиннинг машинасида олинган гилдиракни яшириб Оқтепа даҳаси томон йўлга тушдилар.

Тонгги соат бешлар бўлишига қарамай ҳеч бирларининг тинчигиси келмасди. Бечора таксичининг аҳволини эса тасаввур қилаётгандирсиз. Манзилга етиб, Тургун билан Мухтор машинадан тушди. Улар Рихсибойнинг эшигини тақиллатдилар. Уйқусираган Рихсибой чикди. Бироқ ундан пул унмади. Чиндан ҳам омадсиз тун экан. Шунда Тургун Рихсибойнинг оёғига пичоқ санчди. Рихсибой бақириб юборди ва чўлоқланганча уйи томон қочди. Бақирикқа Рихсибойнинг онаси югуриб чикди. Тургун уни бўралаб сўқди ва жўнаб қолишди. Рихсибой ваннада оёғининг

қилиш

# Байрамингиз муборак, азизлар!

**О**НА Ўзбекистонимиз мустақиллигини қўлга киритгач, бу улуг ва қўлуг истиқлол шарофати билан Ватанимизда байрам қилинадиган кунлар қайта кўриб чиқилди. Бундай саналар рўйхатидан виждон эркинлигини ҳимояловчи республика Конституцияси асосида диний байрамлар ҳам мустақкам ўрин олиб, кенг нишонланган бўлди. Дунёнинг турли мамлакатларидан диний байрамлар муносабати билан Ўзбекистон Президенти, ҳукумати ва халқ номига кўплаб табрик мактублари олинмоқда.

Бу йилги "Ийд ал-Фитр" — Рўза ҳайити байрами

ҳам мустақил юртимизда катта шодёнага айланиши шубҳасиз. Шу улуг айём муносабати билан тахририятимиз ўз муштарийларини муборакбод этади.

Байрам арафасида тахририят топшириги билан журналист Дилмурод Сайид тайёрлаган "Икки жаҳонингга тиларсан физо", "Футуҳийни танийсизми?" сарлавҳали мақолалар туркуминини ҳамда Ҳамдинисо Толиб қизининг "Рўза ҳайити баёнида" мақоласини эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик.

Расулulloҳ ўйлаб туриб, ал-Қаъамани таниган-билган одамларнинг барчасини бир ерга тўплашни буюрдилар. Ҳамма йигилгач, сўрадилар:

— Аё, умматларим! Чин юракдан айтингиз, барчангиз ал-Қаъамадан розимисизлар?

Ҳамма бир овоздан уч бора:

— Розимиз! — дея жавоб бердилар.

Расулulloҳ сўнгра ал-Қаъама ётган ҳужрадан хабар олишни

кўп йиллар бурун у менинг сўзимга ноҳақ қарши чиққанди. Мени ранжитганди. Узрхоҳлик қилмаганди.

Расулulloҳ айтдилар:

— Ўғлингизнинг амали солиҳлари кўп. Лекин ҳозир калима келтиролмай, минг азобда ётибди. Сиз ризо бўлмагунча, у калима келтиролмас.

Бу гапни эшитиб, онанинг кўзлари ёшланди ва:

— Сизлар гувоҳ бўлингларки, мен ўғлимдан мингдан-минг розиман, — деб айтди.

Саҳобалар ал-Қаъама ётган ҳужрага югурдилар. Улар эшикдан киришлари билан ал-Қаъаманинг овози эшитилди:

— "Ло илаҳа илаллоҳу Муҳаммад-ар-расулulloҳ!"

Сўнгра жон таслим қилди.

Жаноби Расулulloҳ барчага қарата дедилар:

— Аё, аҳли жамоа! Сиз

## Футуҳийни танийсизми?

1991 йилнинг куз фасли эди. Таниқли олим ва диний арбоб Шамсиддинхон Бобохонов билан суҳбатлашиб қолдим. Суҳбат орасида Шамсиддинхон ака падари мўътабарлари муфти Зиёвиддинхон Эшон Бобохон ўғли ҳазратлари ҳақида гапириб, у зотнинг шоиртабиат бўлганликларини, шеърлар ижод қилганликларини айтиб қолдилар. Табиийки, бу ҳол мен учун янгилик эди. Кейинги учрашувлардан бирида Шамсиддинхон акадан оталари ижодидан намуналар кўрсатишни илтимос қилдим.

Гапнинг очиги, Зиёвиддин ибн Эшон Бобохон тизган мисралар Аруз вазнининг бир намунаси, десам муболага бўлмас. У зоти шариф Футуҳий тахаллуси билан ижод қилган эканлар.

"НЕГА БУ ШЕЪРЛАРНИ ТўПЛАМ ЭТИБ, НАШР ҚИЛМАГАНЛАР?"

Бу савол билан Шамсиддинхон акага мурожаат қилмоқчи бўлдим, дарҳол фикримдан қайтдим. Уйга келиб, ўзимча хулоса чиқардим: КАМТАРЛИК!!!

Қуйида менда мавжуд бўлган бир мухаммасни Зиёвиддин Эшон Бобохон ўғли — Футуҳий ижодидан намуна сифатида муштарийлар эътиборига ҳавола этмоқчи лозим топдим. Зеро, у зотнинг муборак мисралари биз учун маънавийтимизнинг ажралмас бўлагидир.

Валлоҳи аъламу биссавоб!

ФУТУҲИЙ

## Қилурмен яхши ният

Азизлар, келди менга кексалик ёши салом айлаб,  
Эгилдим тан бериб таъзим ила қаддимни лом айлаб.  
Яшарман истироҳат боғида тун-кун мақом айлаб,  
Асо илкимда гул термоқ учун кирдим хиром айлаб,  
На хуш умрим ўтар бунда гул узмоқни давом айлаб.

Шарафли кексалик даври ҳурматим билдим баланд этди,  
Ҳама катта-кичик эл қайда бўлсам ҳам писанд этди,  
Кексалик завқу шавқин лаззати комимни қанд этди,  
Сўзимнинг ҳикмати заҳматкаш элни баҳраманд этди,  
Юрарман халқ ичинда ҳар маҳал ширин калом айлаб.

Улуг ёшга етурди тўғрилиқ ҳам сабру бардошим,  
Чимирмасман ёмону яхши сўзга мутлақо қошим,  
Тўлиқ етмишга етмуш ўйласам меҳнат билан ёшим,  
Ташаккур қанча қилсам, шунча камдир мен эгиб бошим,  
Қилурмен яхши ният, яхши ишлар эҳтимол айлаб.

Ҳаётим ичра қасддан шўру шаррга бўлмадим мойил,  
Улуг халқ ўртасида бўлмасин, деб ҳурмагим зойил,  
Неча кулфат, мусибатлар бошимга тушди ою йил,  
Мусибатларни енгдим барча элни айлабон қойил,  
Ўзимни урмадим ҳар ёнга, юрдим интизом айлаб.

Кетибдур бир неча содиқ, қадрдон ёру йўлдошим,  
Жаҳонда бора-бора қолмагай қавму қариндошим,  
Нетарман ким бўлур ҳамсуҳбату ҳамкасбу тенгдошим,  
Томоғдан қайғу бирла ўтмайин оғзимдаги ошим,  
Паришонликда доим фикр этармен субҳу шом айлаб.

Неча дардлар ҳужум этса кўнгиларни қилиб вайрон,  
Қаноат маҳрамим бўлди, ғанимларни этиб ҳайрон,  
Ғуруру кибри васфидин узоқ тутдим ўзни ҳар он,  
Футуҳий, назм айла, танангда токи бордир жон,  
Билурсен, гар неча ёзган била бўлмас тамом айлаб.

### МАЪЛУМОТ УЧУН:

• 1990 йил, июль. Тошкент шаҳар атамалар комиссияси тавсиясига кўра С.Раҳимов туманидаги "Бежинский кўчаси" "Зиёвиддин Бобохонов кўчаси" деб қайта номланди.

• 1992 йил, май. Пойтахтдаги "Урожайная кўчаси" номи ўзгартирилиб, "Эшон Бобохон кўчаси" деб юритилди.

### МАЪЛУМОТ УЧУН:

• Зиёвиддин ибн Эшон Бобохон ҳаёт бўлганларида 1993 йили 85 ёшга тўлар эдилар.

• Тинчликни ҳимоя қилиш соҳасидаги хизматлари учун 1966 йили Мароккаш ордени билан; 1968 йили "Хурмат белгиси" ордени билан; 1969 йили Йордания ордени билан; 1978 йили "Халқлар Дўстлиги" ордени билан мукофотланганлар. Аллоҳ у кишидан рози бўлсин!

## "Икки жаҳонингга тиларсан физо..."

Жаноби Расули акрам саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг яқин саҳобаларидан бирининг номи ал-Қаъама эди. У кўп вақтлар шариат йўлида, дини ислом учун чин дилдан хизмат қилган, жиҳодларда довураклиги билан шуҳрат қозониб, катта эътибор топганди. Ҳамма уни жаннатий кимса даражасида кўрарди.

Мушриклар билан бўлган навбатдаги жангларнинг бирида ал-Қаъама оғир яраланди. Ўлими аниқ бўлса-да, ажал олдида айтилиши лозим бўлган "Ло илаҳа илаллоҳ..." ни айтарга тили айланмай, кўп азоблар, жони ҳам қаттиқ қийналарди. Бу ҳолатни Муҳаммад алайҳиссаломга маълум қилдилар:

— Ё, Расулulloҳ! Ал-Қаъама жон таслим этиш арафасида, лекин дини ислом йўлида шаҳид бўлаётган ул зот сўнги нафасида калима келтиролмай, кўп азоб тортмоқда...

"Жаннат оналарингизнинг оёғи остидадир!"

"Ҳадис"и шарифдан.

буюрдилар. Саҳобалар бориб кўрдиларки, ҳеч ўзгариш йўқ, ал-Қаъама ҳануз азобда.

Шунда Расулulloҳ сўрадилар:

— Ал-Қаъамани танийдирган яна бирор кимса қолдими?

Айтдилар:

— Ҳа, бу ердан унча узоқ бўлмаган жойда онаси яшайди.

Расулulloҳ бир қанча кишилар ҳамроҳлигида ал-Қаъаманинг онаси ҳузурига бордилар ва айтдилар:

— Эй волидан муҳтарама! Сизнинг ўғлингиз, бизнинг сафдошимиз ал-Қаъама жон бериш арафасида. Сиз ундан розимисиз?  
— Йўқ, — деди она, — чунки

ўйламангки, имон келтириб, мўмин бўлдим, намозимни қанда қилмаяпман, Муҳаммад алайҳиссалом билан жиҳодга борапман, ақоиди исломияни тўла адо этаяпман, мен — жаннатий бўламан, деб! Йўқ, кимки жаннатга кирмоқ учун шуларнинг ўзи кифоя, деб билса, қаттиқ янглишади! Билиб қўйинг: "Ал-Жаннату тахта ақдами уммаҳатикум!" (Жаннат — оналарингиз оёғи остидадир!) Бугунги ал-Қаъама воқеаси бунга ибрат бўлган!

\*\*\*

Ушбу ривоятни қовузга тушираётгану ҳазрат Низомиддин Мир Алишер Навоийнинг "Ҳайрат ул-аброр" асаридagi мисралар хотиримдан ўтаверди:

Бошни фидо айла ато қошига,  
Жисми қил садқа ано бошига.  
Икки жаҳонингга тиларсан физо  
Ҳосил эт ушбу иккисидин ризо! ..  
Дилмурод САЙИД.

## РЎЗА ҲАЙИТИ БАЁНИДА

Мустақиллик шарофати билан чин маънодаги виждон эркинлигига кенг йўл очилди. Бу эса ўз ўрнида Ўзбекистон ҳар томонлама мустақкамланган ҳуқуқий давлатлар қаторидан жой олганлигига яна бир далилдир.

13 март — муборак Рўза ҳайитининг биринчи куни. Маълумки, бу диний байрам, Рамазон рўзаси якунида нишонланади. Манбаъларда кўрсатилишича, Рамазон рўзаси ҳижрий 2-йили (мелодий 622 й.) шаъбон ойининг иккинчи кунинда Аллоҳ тарафидан фарз қилинган.

Рўза ҳайитининг асосий хусусиятларига келсак, бу кун ҳаммага байрам, шодлик кунидир. Байрам барчага тенг қувончли бўлиши учун ўзига тўқ оилалар ночор, етим-есирларга садақа беришлари лозим. Бу — исломда садақаи фитр, деб юритилади. Унинг қуйидаги хусусиятлари мавжуд:

аввало — камбағалларга ёрдам;  
сониян — ўз бошидан садақа;  
учинчидан — рўза кунлари билиб ё билмай қилган гуноҳлари учун каффорат.

Ҳайит кунлари айримлар фақат янги кийим кийиш керак, деб ҳисоблайдилар. Бу у қадар тўғри эмас. Эски бўлса-да, покиза кийим кийилса кифоядир. Шу кун энг аввало ота-онанинг зиёратига бориш лозим. Беморларни, ёши улугларни зиёрат қилмоқ, айни савобдир.

Ҳайит кунлари марҳумларнинг хотири учун дастурхон тузаб, бел боғлаш бизда одатга айланган. Ваҳоланки, бу одат дини исломда

кўрсатилмаган. Ислом тушунчасига кўра, Ҳайит — тирикларнинг байрами. Марҳумларни эса маълум бир кунда эмас, исталган вақтда хотирлаш мумкин. Фақат ҳайитлардагина эса олиб, бошқа оддий кунларда хотирламаслик яхшилик аломати эмас.

Яна шу кун қабристонларга бориш одат. Буни ҳам тўғри, деб бўлмайди. Марҳумлар руҳига қуръон сураларидан ўқиб, уларнинг эзгу васиятларига амал қилиб, яхши ишларини давом эттириш айна инсонийлик хусусияти бўлиб, қабристонга бориб туришликдан ҳосил бўладиган мурод эса аввало — ўлим ҳақ эканини унутмаслик, манманликка берилмаслик, ношукурчилик қилмасликдир.

Ҳайитнинг яна бир фазилати — одамлар ўзаро гина-қудуратларини унутиб, бир-бирларининг узрларини дарҳол қабул қилишларидир.

Шунингдек, "ҳайитлик бериш" одати мавжуд. Бунинг тарбиявий аҳамияти шундаки, ота-она фарзандига ҳайитлик бериш билан уни саховатга, мурувватли бўлишга ўргатади.

Бир сўз билан айтганда, Ҳайит — шодлик, эзгулик, ўзаро эҳтиром, инсоф ва диёнат байрами. Уни чеклаб-чегаралаб, фақатгина диний тус бериш, ёхуд унга турли одатларни тақайвериш жоиз эмас. Ҳайит — энг аввало ҳамжиҳатлик байрами! Рўза ҳайитингиз муборак бўлсин, азизлар!

Ҳамдинисо ТОЛИБ қизи,  
69 ёшда, нафақадор.

# ЗАНИГОРИ ЭКРАНИДА

## ДУШАНБА

### 14 МАРТ

18.00 "Бугун" Ахборот кўрсатуви.  
18.10 Телефильм.  
18.20 "Сихат-саломатлик"  
18.55 Эълонлар.  
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).  
19.15 Эълонлар.  
19.20 "Осойишталик посбонлари". Республика Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади.  
19.35 "Санъат олами".  
20.10 Оқшом эртақлари.  
20.25 Эълонлар.  
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.  
20.50 "Иқтисодимиз таянчлари".  
21.25 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси эстрада жамоасининг концерти.  
21.55 "Фалокат оёқ остида". Бадний фильм.  
23.30 "Ўзбекистон" ахбороти.

**ЎзТВ II**  
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).  
19.15 "Йўлингиз бехатар бўлсин".  
20.05 "Билиб кўйган яхши".  
20.35 "Ўтмишсиз келажак йўқ".  
21.05 "Мен Тянь-Шанман". Бадний фильм. 1-2 сериялар.  
**"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ**  
6.30 "Тонг" \*\*\*

18.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан).  
18.25 Мультфильм.  
18.35 "Хужжатлар ва тақдирлар".  
18.40 "Миниатюра".  
18.55 "Тол".  
19.25 "Турмуш икки-чирклар". Бадний телесериал премьераси. 38-серия.

19.55 "Театр майдони".  
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!  
20.55 Эълонлар.  
21.00 Янгилликлар.  
21.30 "Олтин шлягер".  
22.15 "Матбуот-клуби".  
23.30 Енгил атлетика. Европа чемпионати. Франциядан кўрсатилади.

**ЎзТВ III**  
**ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ**  
"ОМАД" таништиради:  
9.00 "Мультфейерверк".  
9.30 "Курьер".  
9.45 "Юлдузли осмон".  
10.00 "Хар соҳадан бир шингил".  
10.10 "Совга".  
10.40 "Салом, ешлар!"  
11.05 "Даракчи".  
11.15 Эълонлар.  
11.20 "Видео-О".  
13.00 Эълонлар.  
13.05 "Курьер".  
13.20 "Мода тарихидан".  
13.40 Эълонлар.  
13.45 "Юлдузлар жилоси".  
14.05 "Даракчи".  
14.45 Эълонлар.  
14.20 "Видео-О".

18.00 — 19.30  
**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ**  
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ**  
19.30 Душанба кунини детектив "Харир пардалари аёл". Бадний фильм.  
20.30 Асил холича.  
21.25 Катталар учун мультфильм.  
21.35 — 23.00  
**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ**  
23.00 "Келгинди". Бадний фильм.

## СЕШАНБА

### 15 МАРТ

**ЎзТВ I**  
7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.  
9.00 "Одамлар орасидаги бўри боласи". Бадний фильм.  
10.30 Укув кўрсатуви. Ўзбекистон халқлари тарихи.  
11.00 "Фароғат опа". Телефильм.  
11.30 Укув кўрсатуви. Математика.  
12.00 "Ешлик" студияси. "Талабалик йилларим".

18.00 "Бугун" Ахборот кўрсатуви.  
18.10 "Цатранж". Телефильм.  
18.20 "Усмир ва конун".  
18.55 Эълонлар.  
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).  
19.15 Эълонлар.  
19.20 "Сополда акс этган дунё". Телефильм.  
19.35 "Қушиқ рақсга уланса". Азамат Шарипов, Ойбек Султонов, Нулуфар Усмонова.

20.10 Оқшом эртақлари.  
20.25 Эълонлар.  
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.  
20.50 "Ислохотнинг янги босқичи".  
21.20 Т. Минуллин. "Алла". Юнус Ражабий номидagi Жиззах вилоят театрининг спектакли.  
23.10 "Мукаддас ҳаж тараддуди".  
23.30 "Ўзбекистон" ахбороти.

**ЎзТВ II**  
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).  
19.15 "Овчи". Болалар учун фильм.  
20.30 "Халқ саломатлиги йўлида".  
21.20 "Карпат рапсодияси". Телефильм.  
"ОМАД" таништиради:  
21.35 Эълонлар. "Кинонигоҳ".  
**"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ**  
6.30 "Тонг" \*\*\*

18.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан).  
18.25 "Парда ортида".  
18.55 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадний фильм премьераси.  
19.45 "Протокол сатрларида".  
19.55 "Мавзу".  
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!  
20.55 Эълонлар.  
21.00 Янгилликлар.  
21.30 "Бомонд".  
21.45 Режиссер Л. Пчелкин фильмларининг ретроспектив намоиши. "Сухова-Кобилян иши". 1-фильм. 2-серия.  
23.00 "Матбуот-экспресс".  
23.10 1994 йил кўшиқлари.

**ЎзТВ III**  
**ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ**  
18.00 — 19.40  
**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ**  
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ**  
19.40 "Хар бир кун байрам".  
19.50 Хонаки экран. "Санта-Барбара". 291-серия.  
20.40 "Ҳақиқий мусаввир, асил санъаткор, чинакамига қотил". Телеспектакль мюзикл премьераси. 1-серия.

21.35 — 23.00  
**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ**  
**ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ**  
23.00 "Абу Райхон Беруний". Бадний фильм. 1-серия.

**ЧОРШАНБА**  
16 МАРТ  
**ЎзТВ I**  
7.00 — 9.15 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.15 "Баҳорги олимпиада еки Хор бошлиғи". Бадний фильм.  
10.25 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгилликлари (АҚШ).  
10.40 "Саломат бўлинг!". \*\*\*

18.00 "Бугун" Ахборот кўрсатуви.  
18.10 "Оламни асранг!".  
18.45 "Есинсой кўриқхонасида". Телефильм.  
18.55 Эълонлар.  
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти. (рус тилида).  
19.15 Эълонлар.  
19.20 "Шеърли дақиқалар".  
19.35 "Анъана ва замон". Байтқўрган баҳори.  
20.10 Оқшом эртақлари.  
20.25 Эълонлар.  
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.  
20.50 "Ўзбекистон ва жаҳон".  
21.50 Замонавий ўзбек кўшиқларининг "Анор" телевизион тавлови.  
22.50 "Ўзбекистон" ахбороти.  
23.10 "Қадимги шўхликлар". Бадний фильм.

**ЎзТВ II**  
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).  
19.15 "Спринг".  
19.40 "Умр лаҳзалари".  
22.10 "Менинг сўнгги тангоим". Бадний фильм.  
**"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ**  
6.30 "Тонг" \*\*\*

18.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан).  
18.25 Эфирда — Давлатлараро "Мир" телерадиокомпанияси.  
18.50 "Хужжатлар ва тақдирлар".  
19.05 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадний фильм премьераси.  
19.55 "Йўлбошчи".  
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!  
20.55 Эълонлар.  
21.00 Янгилликлар.  
21.30 М. Магомаев хузурида меҳмонда. Марио дель Монако.  
22.05 "Итваччалар". Бадний фильм ("Мосфильм", "Фора-фильм", "Ритм" студияси).  
23.45 "Доғистон хазинаси". Телефильм.

**ЎзТВ III**  
**ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ**  
18.00 — 19.40  
**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ**  
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ**  
19.40 "Хар бир кун байрам".  
19.50 Хонаки экран. "Санта-Барбара". 292-серия.  
20.40 "Ҳақиқий мусаввир, асил санъаткор, чинакамига қотил". Телеспектакль мюзикл премьераси.

21.35 — 23.00  
**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ**  
**ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ**  
23.00 "Рингта чақирляпти". Бадний фильм.

**ЖУМА**  
18 МАРТ  
**ЎзТВ I**  
7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Қизалоқ, фильмда ўйнашни хоҳлайсанми?". Бадний фильм.  
10.20 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгилликлари (АҚШ).  
10.35 "Ешлик" студияси. "Сенинг замондошинг".  
11.10 "Чорраҳа". \*\*\*

18.00 "Бугун" Ахборот кўрсатуви.  
18.10 "Майрифат маскани".  
18.35 "Пилла — бойлигимиз".  
18.55 Эълонлар.  
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

19.15 Эълонлар.  
19.20 "Навоийхонлик. Адабий кўрсатуви."  
20.00 "Дунё воқеалари".  
20.10 Оқшом эртақлари.  
20.25 Эълонлар.  
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.  
20.50 "Бевосита мулоқот".  
21.50 "Наврўзи ажам". Мусикий кўрсатуви.  
22.30 "Фирибгарнинг фириби еки бир жойда зир югуриш". Бадний фильм.  
24.00 "Ўзбекистон" ахбороти.

**ЎзТВ II**  
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).  
19.15 "Ўкинч билан...".  
20.20 Теннис. Президент кубоги учун халқаро турнир олдидан.  
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.  
20.50 "Иқтисод, тадбиркорлик, солиқ". М. Қодровнинг муаллифлик кўрсатуви.  
21.35 "Матонатли кишилар". Бадний фильм. 1-2 сериялар.  
**ОСТАНКИНО ТЕЛЕКАНАЛИ**  
6.30 "Тонг" \*\*\*

18.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан).  
18.25 Маданият янгилликлари.  
18.40 "Инсон ва конун".  
19.15 "Америка М. Таратута билан".  
19.45 "Мўъжизалар майдони".  
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!  
20.55 Эълонлар.  
21.00 Янгилликлар.  
21.25 "Детективлар клубида". "Каплан". Беш серияли телевизион бадний фильм премьераси. 3-фильм.  
23.05 "Хафтанинг машхур кишиси".  
23.20 "Оба-На".

**ЎзТВ III**  
**ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ**  
18.00 — 19.35  
**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ**  
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ**  
19.35 "Хар бир кун байрам".  
19.45 Киномарафон "Хиросима — менинг муҳаббатим". Бадний фильм.  
21.35 — 23.00  
**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ**

**ШАНБА**  
19 МАРТ  
**ЎзТВ I**  
7.00 — 9.15 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.15 "Ватанни севмоқ иймондандир...".  
10.05 "Меҳр кўп кўргуздим...". Йўлдош Охунбобоев номидagi Еш томошабинлар театрининг спектакли.  
11.30 "Кулги — дармон дейдилар". Рустам Мирзаалиев.  
12.10 Инглиз тили.  
12.40 "Хорманг, оксоқоллар!".  
13.10 "Халқ севган достонлар".

18.00 "Мультипанорама".  
18.35 "Шоҳсупа". Жаҳон чемпиони совриндори Ботир Мамедов.  
18.55 Эълонлар.  
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).  
19.15 Эълонлар.  
19.20 "Хонатлас". Телефильм.  
19.30 "Тановар" миллий рақс ансамблининг концерти.  
20.10 Оқшом эртақлари.  
20.25 Эълонлар.  
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.  
20.50 "Хотира". Элбек.  
21.45 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

**ЎзТВ II**  
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).  
19.15 "Баҳор лавҳалари". Телефильм.  
19.30 "Тошкент оқшоми".  
20.45 Фильм-концерт.  
"ОМАД" таништиради:  
21.35 Эълонлар. "Кинонигоҳ".  
**"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ**  
6.30 "Тонг" \*\*\*

18.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан).  
18.25 "Лабиринт".  
18.50 "Хужжатлар ва тақдирлар".  
19.00 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадний фильм премьераси.  
19.50 Футбол. Чемпионлар лигаси. "Барселона" (Испания) — "Спартак" (Москва). 2-тайм.  
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!  
20.55 Эълонлар.  
21.00 Янгилликлар.  
21.30 "Хар бир киши ўз улушини олади...". В. Молчановнинг муаллифлик кўрсатуви.  
22.20 Футбол. Чемпионлар лигаси.  
23.10 "Матбуот-экспресс".  
23.15 "Академия". Дам олиш кўрсатуви.  
23.45 "Вавақа". Телефильм.

**ЎзТВ III**  
**ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ**  
18.00 — 19.05  
**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ**  
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ**  
19.05 "Сеними, шошмай тур". Мультфильм премьераси. 18-серия.  
19.20 "Хар бир кун байрам".  
19.30 "Ҳақиқий мусаввир, асил санъаткор, чинакамига қотил". Телеспектакль мюзикл премьераси. 3-серия.  
20.25 "Ҳеч ким унутилмайди".  
20.30 Хонаки экран. "Санта-Барбара". 293-серия.  
21.20 "Зўр, яшайсанми?".

21.35 — 23.00  
**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ**  
**ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ**  
23.00 "Рингта чақирляпти". Бадний фильм.

**ЎзТВ II**  
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).  
19.15 Болалар учун. "Табассум".  
19.55 "Ўзбекистон спорти" (рус тилида).  
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.  
20.50 "Наврўз нашидаси". Телефильм.  
21.10 "Арслоннинг саргузаштлари". Бадний фильм. 1-2 сериялар.  
**"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ**  
17.50 "Бир боқишда муҳаббат".  
18.30 "Коламбия пикчерс таништиради: "Койилмаком жуфтлик". Кўп серияли телевизион бадний фильм премьераси. 6-серия.  
19.25 "Хафтанинг акс-садоси".  
19.45 "Коламбия пикчерс" таништиради: "Толнаф кутмоқда". Кўп серияли телевизион бадний фильм премьераси. 1-серия.  
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!  
20.55 Эълонлар.  
21.00 Янгилликлар.  
21.30 Хоккей. НХЛ чемпионати. "Спартак" — "Динамо". Танаффус пайтида (22.20) — "Матбуот-экспресс".  
23.00 "Бурждар туркумидан".

**ЎзТВ III**  
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).  
19.15 "Ўкинч билан...".  
20.20 Теннис. Президент кубоги учун халқаро турнир олдидан.  
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.  
20.50 "Иқтисод, тадбиркорлик, солиқ". М. Қодровнинг муаллифлик кўрсатуви.  
21.35 "Матонатли кишилар". Бадний фильм. 1-2 сериялар.  
**ОСТАНКИНО ТЕЛЕКАНАЛИ**  
6.30 "Тонг" \*\*\*

18.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан).  
18.25 Маданият янгилликлари.  
18.40 "Инсон ва конун".  
19.15 "Америка М. Таратута билан".  
19.45 "Мўъжизалар майдони".  
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!  
20.55 Эълонлар.  
21.00 Янгилликлар.  
21.25 "Детективлар клубида". "Каплан". Беш серияли телевизион бадний фильм премьераси. 3-фильм.  
23.05 "Хафтанинг машхур кишиси".  
23.20 "Оба-На".

**ЎзТВ II**  
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).  
19.15 "Ўкинч билан...".  
20.20 Теннис. Президент кубоги учун халқаро турнир олдидан.  
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.  
20.50 "Иқтисод, тадбиркорлик, солиқ". М. Қодровнинг муаллифлик кўрсатуви.  
21.35 "Матонатли кишилар". Бадний фильм. 1-2 сериялар.  
**ОСТАНКИНО ТЕЛЕКАНАЛИ**  
6.30 "Тонг" \*\*\*

18.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан).  
18.25 Маданият янгилликлари.  
18.40 "Инсон ва конун".  
19.15 "Америка М. Таратута билан".  
19.45 "Мўъжизалар майдони".  
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!  
20.55 Эълонлар.  
21.00 Янгилликлар.  
21.25 "Детективлар клубида". "Каплан". Беш серияли телевизион бадний фильм премьераси. 3-фильм.  
23.05 "Хафтанинг машхур кишиси".  
23.20 "Оба-На".

**ЎзТВ III**  
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).  
19.15 "Ўкинч билан...".  
20.20 Теннис. Президент кубоги учун халқаро турнир олдидан.  
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.  
20.50 "Иқтисод, тадбиркорлик, солиқ". М. Қодровнинг муаллифлик кўрсатуви.  
21.35 "Матонатли кишилар". Бадний фильм. 1-2 сериялар.  
**ОСТАНКИНО ТЕЛЕКАНАЛИ**  
6.30 "Тонг" \*\*\*

18.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан).  
18.25 Маданият янгилликлари.  
18.40 "Инсон ва конун".  
19.15 "Америка М. Таратута билан".  
19.45 "Мўъжизалар майдони".  
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!  
20.55 Эълонлар.  
21.00 Янгилликлар.  
21.25 "Детективлар клубида". "Каплан". Беш серияли телевизион бадний фильм премьераси. 3-фильм.  
23.05 "Хафтанинг машхур кишиси".  
23.20 "Оба-На".

**ЎзТВ I**  
7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Лайлак учди, роз учди". Бадний фильм.  
10.15 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгилликлари (АҚШ).  
10.40 "Ҳаёт гулшани".  
11.05 Мактабда "Наврўз" байрами. \*\*\*

18.00 "Бугун" Ахборот кўрсатуви.  
18.10 "Баҳор шабадалари". Телефильм.  
18.20 "Ешлик" студияси. "Армонли дунё".  
18.55 Эълонлар.  
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).  
19.15 Эълонлар.  
19.20 Кинолавақа.  
19.25 Андижон вилояти Бўз тумани бадний жамоларининг концерти.  
20.10 Оқшом эртақлари.  
20.25 Эълонлар.  
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.  
20.50 "Наврўзнама". Адабий кўрсатуви.  
21.30 "Фаровонлик қалити".  
22.00 "Сакраш ҳуқуқи". Бадний фильм.  
23.35 "Ўзбекистон" ахбороти.

**ЎзТВ II**  
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).  
19.15 "Баҳор лавҳалари". Телефильм.  
19.30 "Тошкент оқшоми".  
20.45 Фильм-концерт.  
"ОМАД" таништиради:  
21.35 Эълонлар. "Кинонигоҳ".  
**"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ**  
6.30 "Тонг" \*\*\*

18.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан).  
18.25 Маданият янгилликлари.  
18.40 "Инсон ва конун".  
19.15 "Америка М. Таратута билан".  
19.45 "Мўъжизалар майдони".  
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!  
20.55 Эълонлар.  
21.00 Янгилликлар.  
21.25 "Детективлар клубида". "Каплан". Беш серияли телевизион бадний фильм премьераси. 3-фильм.  
23.05 "Хафтанинг машхур кишиси".  
23.20 "Оба-На".

**ЎзТВ III**  
**ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ**  
18.00 — 19.35  
**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ**  
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ**  
19.35 "Хар бир кун байрам".  
19.45 Киномарафон "Хиросима — менинг муҳаббатим". Бадний фильм.  
21.35 — 23.00  
**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ**  
23.00 "Лейтенант Некрасовнинг хатоси". Бадний фильм.

**ШАНБА**  
19 МАРТ  
**ЎзТВ I**  
7.00 — 9.15 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.15 "Ватанни севмоқ иймондандир...".  
10.05 "Меҳр кўп кўргуздим...". Йўлдош Охунбобоев номидagi Еш томошабинлар театрининг спектакли.  
11.30 "Кулги — дармон дейдилар". Рустам Мирзаалиев.  
12.10 Инглиз тили.  
12.40 "Хорманг, оксоқоллар!".  
13.10 "Халқ севган достонлар".

18.00 "Мультипанорама".  
18.35 "Шоҳсупа". Жаҳон чемпиони совриндори Ботир Мамедов.  
18.55 Эълонлар.  
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).  
19.15 Эълонлар.  
19.20 "Хонатлас". Телефильм.  
19.30 "Тановар" миллий рақс ансамблининг концерти.  
20.10 Оқшом эртақлари.  
20.25 Эълонлар.  
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.  
20.50 "Хотира". Элбек.  
21.45 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

**ЎзТВ II**  
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).  
19.15 Болалар учун. "Табассум".  
19.55 "Ўзбекистон спорти" (рус тилида).  
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.  
20.50 "Наврўз нашидаси". Телефильм.  
21.10 "Арслоннинг саргузаштлари". Бадний фильм. 1-2 сериялар.  
**"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ**  
17.50 "Бир боқишда муҳаббат".  
18.30 "Коламбия пикчерс таништиради: "Койилмаком жуфтлик". Кўп серияли телевизион бадний фильм премьераси. 6-серия.  
19.25 "Хафтанинг акс-садоси".  
19.45 "Коламбия пикчерс" таништиради: "Толнаф кутмоқда". Кўп серияли телевизион бадний фильм премьераси. 1-серия.  
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!  
20.55 Эълонлар.  
21.00 Янгилликлар.  
21.30 Хоккей. НХЛ чемпионати. "Спартак" — "Динамо". Танаффус пайтида (22.20) — "Матбуот-экспресс".  
23.00 "Бурждар туркумидан".

**ЎзТВ III**  
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).  
19.15 "Ўкинч билан...".  
20.20 Теннис. Президент кубоги учун халқаро турнир олдидан.  
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.  
20.50 "Иқтисод, тадбиркорлик, солиқ". М. Қодровнинг муаллифлик кўрсатуви.  
21.35 "Матонатли кишилар". Бадний фильм. 1-2 сериялар.  
**ОСТАНКИНО ТЕЛЕКАНАЛИ**  
6.30 "Тонг" \*\*\*

18.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан).  
18.25 Маданият янгилликлари.  
18.40 "Инсон ва конун".  
19.15 "Америка М. Таратута билан".  
19.45 "Мўъжизалар майдони".  
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!  
20.55 Эълонлар.  
21.00 Янгилликлар.  
21.25 "Детективлар клубида". "Каплан". Беш серияли телевизион бадний фильм премьераси. 3-фильм.  
23.05 "Хафтанинг машхур кишиси".  
23.20 "Оба-На".

**ЎзТВ II**  
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).  
19.15 "Ўкинч билан...".  
20.20 Теннис. Президент кубоги учун халқаро турнир олдидан.  
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.  
20.50 "Иқтисод, тадбиркорлик, солиқ". М. Қодровнинг муаллифлик кўрсатуви.  
21.35 "Матонатли кишилар". Бадний фильм. 1-2 сериялар.  
**ОСТАНКИНО ТЕЛЕКАНАЛИ**  
6.30 "Тонг" \*\*\*

18.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан).  
18.25 Маданият янгилликлари.  
18.40 "Инсон ва конун".  
19.15 "Америка М. Таратута билан".  
19.45 "Мўъжизалар майдони".  
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!  
20.55 Эълонлар.  
21.00 Янгилликлар.  
21.25 "Детективлар клубида". "Каплан". Беш серияли телевизион бадний фильм премьераси. 3-фильм.  
23.05 "Хафтанинг машхур кишиси".  
23.20 "Оба-На".

**ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ**



Бунча ширин экан сумалак!

А. САПАРМАТОВ олган сурат.

Ҳамкасбларимиз ижодидан

## БАҲОР СОҒИНЧИ

Бунчалик узун-эй йўлларинг,  
Талпиниб қолмади мадорим,  
Кел, энди, узатгил қўлларинг —  
Мен сени соғиндим, баҳорим.

Сарғайган майсалар бағрига,  
Қор бўлиб ёғилди оҳларим.  
Мунғайиб қаҳратон қаҳрида,  
Мен сени соғиндим, баҳорим.

Пешайвон қошида мусича,  
Ху-хулаб ўғирлар оромим.  
Уйқусиз тунларим қаҳрида  
Мен сени соғиндим, баҳорим.

Далаларга сепинг соч, гул-чечак  
Ёр-ёрдан бошлансин наҳорим  
Бош қўяй, бағринг оч, келинчак —  
Мен сени соғиндим, баҳорим.

Муҳиддин ИСРОИЛОВ,  
милиция капитани.

### ЭНГ КУЧЛИЛАР

Дунёдаги энг кучли одамлар ва улар томонидан намоёиш қилинган мисли кўрилмаган воқеалар-бизни доимо ҳайратда қолдириб келган. Инглиз Тревер Россал 1938 йилда туғилган. У 19 ешидаёқ 300 килограмм юкни кўтарган, мушти билан михни қаттиқ тахтага қоқиб ташлаган. У ўрнатган рекордларнинг сараси шуки, пўлат занжирга боғланган учишга ҳозирланаётган самолётни тиши билан тортиб, учишига йўл қўймаган.

Канадалик Луи Сир Америка китъасидаги энг кучли атлетлардан ҳисобланади. У оғирлиги 669 килограмм келадиган вагоннинг ўқ гилдирагини тизза баробар кўтариб турган. Бундан ташқари у елкасида умумий оғирлиги 1867 килограмм келадиган юк вагонини кўтарган.

Кучликда Франция полвонлари ҳам чакки эмас. Француз полвони Жан Масси бир неча вагонлар тиркалган локомотивни тиши билан шатакка олиб кўзгатган ва бир неча вақт давомида судраб юрган. У тиши

билан шатакка олган вагонларда умумий оғирлиги 1368 тоннали бетон плиталар ортилган эди. Полвонлик бобида бунимумтоз деса бўлади.

Австриялик Поль Андерсон елкасига

турадиган сахна аппаратураларини ўмариб кетишди.

Ўғирланган нарсалар ҳозирча топилгани йўқ. Тергов ишлари олиб бориляпти. Лекин қиймати 2,4 минг

Америка доллари турадиган "Ямаха" русумли мусика асбобини ўғирлаган 17 ешли йигит қўлга олинди. "Бун қаердан олдинг?" деган саволга у "Алла Пугачева билан бир кеча бирга бўлганим учун ўзи совға

қилди", деб жавоб берди.

### СИГАРЕТНИНГ КАСОФАТИ

Душанбе шаҳрида троллейбусда кетаётган йўловчи еш йигитчага бу ерда сигарет чекиш мумкин эмас, деб танбех берди. Бу эса йигитчага ёқмади ва қўлга граната олиб кўрқитмоқчи бўлди. Кутилмаганда граната унинг қўлидан тушиб кетиб портлади. Натижада 13 киши жароҳатланди.

### ОТА-ОНАДАН ҲАМ 10 ЛИТР ВИНО ҚИММАТ

Александр ва Игорь исмли ака-укалар уйларига келишганида ота-оналари 10

литр винони яшириб қўйганлигини пайқаб қолишди. Вино ичишларига улар қаршилик қилишларини, сўраганлари билан бермаслигини билиб, ака-ука ақлга сигмайдиган усулни қўллашди. Улар граната билан қуролланишди. Бир отасининг, иккинчиси эса онасининг бошига ура кетишди. Она чаққонлик қилиб, ўглининг қўлидан қочиб кетди. Ўгли онанинг орқасидан граната улоқтирганида ҳам онага зарар етмади. Бироқ, отага қийин бўлди. Унинг мия қобиғи дарз кетиб, оғир аҳволда касалхонага ётқизилди.

### НОНУШТА...ЎЛИМГА САБАБЧИ БЎЛДИ

Клайпеда шаҳрининг 2-полиция комиссариатида нозир бўлиб ишлайдиган Р.Таурога эрталаб соат етти яримда ўзини отиб қўйди.

Кечқурунги навбатчиликдан қайтган нозир хотинининг нонуштани тайёрлаб қўймаганидан нолиди. Хотини унга қандай жавоб қайтарганлиги номаълум, аммо нозир хизмат пистолетини олиб, хотини ва болалари олдида тиз чўқди-да, пистолетини бошининг ўнг томонига тираб олди.

Омонзода тайёрлади.

## АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИГА САЙР

отни опичлаб, 32 зинапоядан юқорига кўтарилган. Полвоннинг эйтиборга сазовор рекорди шуки, у ерга чалқанча ётиб, устига қўйилган махсус тўшамада оғирлиги 9 тонна бўлган баҳайбат филни юргизган.

### ПУГАЧЕВАНИ ЎМАРИШДИ

Ҳозирги давр ўғирларни ҳам ишбилармонлик қилишга мажбур қилмоқда. Улар кўпинча машҳур кишиларни доғда қолдирмоқдалар. Россия санъатининг суперюлдузи Алла Пугачева ҳам ўғирлар "назари"дан четда қолмади. Ростов шаҳрига гостролга келган Алла Пугачева театрининг бир неча миллион рубл



### Қидирилмоқда

Тошкент шаҳар Миробод тумани ички ишлар бўлими томонидан 1958 йилда туғилган, Миробод тумани, К. Цеткин кўчаси, 18-уйнинг 10-хонадонинда истикомат қиладиган **Ким Элла Ен-Су** қидирилмоқда. У шу йилнинг 7 февраль куни уйдан чиқиб кетганича қайтмаган.

**Белгилари:** бўйи 165-170 см, атрофида, ўртача қоматли, қора сочлари ўртача узунликда.

**Кийими:** эгннда плашч материалдан тикилган кулранг пальто, бошида йўл-йўл шарф, оёгида кўк рангли этиги бўлган.

Алоҳида белгилари: иккинчи гуруҳ ногирони, қанд касаллиги билан оғриган, қорин қисмида куйишдан қолган думалоқ доғ, чаккаларида ҳам доғ излари бор.

Ким Элла Ен-Сунинг кейинги тақдирдан воқиф фуқаролардан бу ҳақда 91-35-74, 91-58-02 ёки 02 рақамли телефонлар орқали хабар беришларини сўраймиз.



Тошкент шаҳар Миробод тумани ички ишлар бўлими томонидан 1970 йилда туғилган, Тошкент вилояти, Бўқа тумани, Коммунизм жамоа ҳўжалигида яшовчи **Гулшан Зулфияевна Йўлдошева** қидирилмоқда. У 1993 йилнинг 25 сентябрь куни Қўйлик бозорига чиқиб, уйига қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 160-165 см, атрофида, ўртача гавдали, сочи қора, елкадан келади.

**Кийими:** эгннда оқ кофта, кўк рангли костюм-юбка, оқ пайпоқ, оқ рангли боғичли шиппак бўлган.

Уни охириги марта Самарқандга кетаётган автобусда кўришган.

Г. Йўлдошеванинг кейинги тақдирдан оғоҳ бўлганлардан бу ҳақда 91-35-74, 91-58-02 ёки 02 рақамли телефонлар орқали хабар беришларини сўраймиз.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти ва шахсий таркиби Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Д. П. Шилмановга волидан муҳтарамалари

### Гулзода СУЛТОНОВАНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор этадилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнғиндан сақлаш бошқармаси, Жиззах вилоят ИИБ Ёнғиндан сақлаш бўлими раҳбарияти ва шахсий таркиби истеъфодаги ички хизмат полковниги

### Неъмат Тўраевич Тўраевнинг

бевақт вафот этганлигини маълум қиладилар ва марҳумнинг оила аъзоларига чўқур ҳамдардлик билдирадилар.

- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очиқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси тахририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000021. Буюртма Г — 864, 41.254 нусхада босилди. Ҳажми — 2 босма табоқ. Босилиш — офсет усулида. Босишга топшириш вақти — 19.00. Босишга топширилди — 19.00.

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир — 39-70-40, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул котиб — 59-29-66, муҳбирлар бўлими — 59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.

Муҳаррир  
Зокир ОТАЕВ

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:  
700029, Тошкент,  
Наврўз кўчаси, 1.